ISSN 218-8088

# XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI

"XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI" JURNALI

**Muassis:**
"Xalq ta'limi" jurnali tahririyati DUK

# PUBLIC EDUCATION BULLETIN

"PUBLIC EDUCATION BULLETIN" JOURNAL

**2017**

**5-son**
(sentabr-oktabr)

Jurnal 2015-yildan chiqa boshlagan

(O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining 2014-yil 17-maydagi 137-sonli buyrug'i bilan tashkil etilgan)

TOSHKENT

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining xalq ta’limi tizimida O‘zbekiston yoshlar ittifoqi faoliyatini takomillashtirish to‘g‘risidagi **2017-yil 19-iyuldagi 234-sonli buyrug‘i** ........ 6

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 27-iyuldagi “Oliy ma’lumotli mutaxassislar tayyorlash sifatini oshirishda iqtisodiyot sohalari va tarmoqlarining ishtirokini yanada kengaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3151-son qarori ijrosini ta’minlash to‘g‘risidagi **2017-yil 28-iyuldagi 240-sonli buyrug‘i** ........ 18

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining Xalq ta’limi vazirligi tizimidagi umumiy o‘rta ta’lim maktablarida sport turlari bo‘yicha seksiya va sog‘lomlashtirish guruhlarini tashkil etish to‘g‘risidagi **2017-yil 8-avgustdagi 252-sonli buyrug‘i** ........ 24

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining Xalq ta’limi vazirligi tizimidagi umumiy o‘rta ta’lim maktablarining sport jamoalari o‘rtasida sport musobaqalarini tizimli tashkillashtirish va o‘tkazish to‘g‘risidagi **2017-yil 8-avgustdagi 253-sonli buyrug‘i** ........ 32

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 9-avgustdagi “Oliy ta’lim muassasalarida pedagogika yo‘nalishida maxsus sirtqi bo‘limlarni tashkil etish to‘g‘risida”gi PQ-3183-son qarori ijrosini ta’minlash to‘g‘risidagi **2017-yil 10-avgustdagi 255-sonli buyrug‘i** ........ 44

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining Xalq ta’limi tizimidagi ta’lim muassasalarida chet tillarini o‘qitishning sifatini yanada takomillashtirish to‘g‘risidagi **2017-yil 14-avgustdagi 264-sonli buyrug‘i** ........ 46

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2017-yil 14-avgustdagi 625-son qarori ijrosini ta’minlash to‘g‘risidagi **2017-yil 16-avgust 267-sonli buyrug‘i** ...... 49

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining jismoniy yoki psixik rivojlanishida nuqsoni bo‘lgan hamda uzoq vaqt davolanishga muhtoj bolalarning uyda yakka tartibda ta’lim olishi uchun 2017-2018 o‘quv yiliga mo‘ljallangan o‘quv rejalarini tasdiqlash to‘g‘risidagi 2017-yil 16-avgustdagi **270-sonli buyrug‘i** ........ 54

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Ta’lim va tibbiyot muassasalarini moliyalashtirish mexanizmini va davlat moliya nazorati tizimini yanada takomillashtirish to‘g‘risida” 2017-yil 21-avgustdagi PQ-3231-son qarori ijrosini ta’minlash to‘g‘risidagi **2017-yil 22-avgustdagi 275-sonli buyrug‘i** ........ 71

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi hamda xalq ta’limi tizimidagi muassasa va tashkilotlarda jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari bilan ishlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqidagi **2017-yil 25-avgust 277-sonli buyrug‘i** ........................................... 74

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining 2017-2018 o‘quv yilida umumiy o‘rta ta’lim muassasalarining 10-sinflari o‘quvchilariga kasb-hunar o‘rgatish bo‘yicha o‘quv dasturlarini amaliyotga joriy etish to‘g‘risidagi **2017-yil 5-sentabrdagi 286-sonli buyrug‘i** ....................................................... 76

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining Xalq ta’limi tizimida huquqiy axborotni tarqatish va undan foydalanishni ta’minlashni takomillashtirish to‘g‘risidagi **2017-yil 8-sentabrdagi 291-sonli buyrug‘i** ...................................... 80

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “maktabgacha ta’lim tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2017-yil 9-sentabrdagi PQ-3261-son qarori ijrosini ta’minlash haqidagi **2017yil 9-sentabrdagi 293-sonli buyrug‘i** ..................................... 83

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 13-sentabrdagi PQ-3271-sonli qarori ijrosini ta’minlash to‘g‘risidagi **2017-yil 13-sentabrdagi 295-sonli buyrug‘i** .............................. 99

## KIRISH

Uzluksiz ta’lim tizimining ilk poydevori bo‘lgan maktabgacha ta’lim muassasalari (MTM) farzandlarimizga ta’lim-tarbiya berishning dastlabki bo‘g‘ini sifatida muhim o‘rin tutadi. Shu bois bugungi kunda maktabgacha ta’limni boshqarishning zamonaviy mexanizmlarini joriy etish, xorijiy tajribalarni inobatga olgan holda ta’lim-tarbiya jarayonini takomillashtirish, ularni yuqori malakali mutaxassislar bilan to‘ldirish, infratuzilmasi va moddiy-texnik bazasini yaxshilash, ayniqsa, nodavlat maktabgacha ta’lim muassasalari tarmog‘ini rivojlantirish ustuvor ahamiyat kasb etmoqda.

Ushbu maqsadlarni o‘zida ifoda etgan Prezidentimizning 2017-yil 9-sentabrdagi “Maktabgacha ta’lim tizimini tubdan takomillashtirish chora-tarbirlari to‘g‘risida”gi qarori ijrosini ta’minlash Xalq ta’limi vazirligining oldida turgan mas’uliyatli vazifadir. Xalq ta’limi vazirining mazkur qaror ijrosini ta’minlashga qaratilgan buyrug‘ida qarorda belgilangan vazifalar ijrosini ta’minlash bo‘yicha chora-tadbirlar rejasi hamda maktabgacha ta’lim tizimini yanada takomillashtirish bo‘yicha “Yo‘l xaritasi” tasdiqlanganligi, 2017-yil 1-yanvardan boshlab Toshkent, Nukus shaharlari hamda viloyatlar markazlarida eksperiment tariqasida davlat-xususiy sheriklik shartlarida yangi turdagi MTMlarni tashkil etilishi belgilanganligi inobatga olingan.

Prezidentimizning 2017-yil 13-sentabrdagi “Kitob mahsulotlarini nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ‘ib qilish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorida belgilangan vazifalar xalq ta’limi tizimida alohida qimmatga ega. Chunki o‘quvchi-yoshlarning kitob o‘qishi, uni o‘zlariga do‘st tutishi yosh avlodni komil va yetuk insonlar bo‘lib voyaga yetishiga ko‘maklashadi. Xalq ta’limi vazirining buyrug‘ida bu borada tarmoq dasturi qabul qilinib, bir qator vazifalarni bajarish qayd etilgan.

Bugungi kunda o‘sib kelayotgan yosh avlodni chet tillariga o‘qitish sifatini oshirish vazifasi ham dolzarb ahamiyatga ega. Xalq ta’limi vazirining “Xalq ta’limi tizimidagi ta’lim muassasalarida chet tillarini o‘qitishning sifatini yanada takomillashtirish to‘g‘risida”gi buyrug‘ida shu maqsad ko‘zda tutilgan. Buyruqda maktablarda chet tilini o‘zlashtirish darajasini DTSda belgilangan ko‘nikmalar asosida baholash mexanizmini ishlab chiqish va 2017-2018 o‘quv yilidan amaliyotga joriy etish, chet tilini A2, B1 va B2 darajadagi malaka sertifikatiga ega bo‘lgan o‘quvchi-yoshlar o‘rta maxsus, kasb-hunar va oliy ta’lim muassasalariga kirishda chet tili fani imtihonidan ozod qilish kabi bir qator muhim cho-

ra-tadbirlarni amalga oshirish belgilangan.

Xalq ta'lim tizimidagi o'quvchi-yoshlarni sport mashg'ulotlariga uzluksiz jalb qilish, ommaviy sport tadbirlarini zamon talablari darajasida takomillashtirish, ularni foydali va mazmunli harakatga yo'naltirish, sog'lomlashtirish va chiniqtirish kabi vazifalarga qaratilgan Xalq ta'lim vaziri buyrug'iga asosan Nizom ham tasdiqlandi. Unga ko'ra, ta'lim muassasalarining boshlang'ich sinflarida "Bolajonlar sport jamoalari" hamda yuqori sinflarida "Yoshlik sport jamoalari" 2017-2018 o'quv yilidan boshlab "Biz buyuk yurt farzandlarimiz" shiori ostida maktab va maktablararo bosqichi sentabr-dekabrda, tuman (shahar) bosqichi yanvar-martda, viloyat bosqichi aprel-may oylarida o'tkazilishi qayd etilgan.

Xalq ta'limi vazirining "Xalq ta'limi tizimida O'zbekiston yoshlar ittifoqi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida"gi buyrug'iga binoan, O'zYOI faoliyatini takomillashtirishga doir kompleks chora-dasturlar tadbirida belgilangan tadbirlarning o'z vaqtida va sifatli amalga oshirilishi yuzasidan Xalq ta'limi vazirligining nazorat-rejasi tasdiqlandi. Ushbu rejadagi chora-tadbirlar 2017-2020-yillar davomida amalga oshiriladi.

Umuman olganda, "Xalq ta'limi axborotnomasi"ning ushbu sonida chop etilayotgan buyruqlar xalq ta'limi tizimida ta'lim va tarbiya jarayoni sifat va samaradorligini oshirishga, yetuk farzandlar tarbiyalashga qaratilgani bilan ahamiyatlidir.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2017 йил 19 июль* *234-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

### ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3138-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг назорат-режаси (кейинги ўринларда матнда назорат-режа деб юритилади) 1-иловага, назорат-режа ижросини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳ таркиби (кейинги ўринларда матнда ишчи гуруҳ деб юритилади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ишчи гуруҳ (А.Саъдуллаев)га:

назорат-режада назарда тутилган тадбирларнинг юқори савияда ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш бўйича Республика ишчи гуруҳига ҳар ой якунлари бўйича ахборот киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари А.Саъдуллаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг 2017 йил 19 июлдаги 234-сонли буйруғига 2-илова*

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан Халқ таълими вазирлигининг назорат – режаси ижросини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳ

**ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | А.Саъдуллаев | Халқ таълими вазирининг ўринбосари, ишчи гуруҳ раиси |
| 2. | А.Тагаев | Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи, котиб |
| | | **Аъзолар:** |
| 3. | Д.Кенжаев | Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи |
| 4. | Б.Шамсиев | Кадрлар бошқармаси бошлиғи |
| 5. | Х.Даминов | Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи |
| 6. | Н.Муротов | Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи |
| 7. | К.Инаков | Назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи |
| 8. | А.Носиров | Таълим муассасаларида ўқув тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари |
| 9. | Б.Шайвалиев | Ахборот хизмати раҳбари |
| 10. | Лавозими бўйича | Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, республика таълим муассасалари раҳбарлари |

*Халқ таълими вазирининг 2017 йил 19 июлдаги*
*234-сонли буйруғига 1-илова*

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг назорат – режаси

| № | Белгиланган тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Масъул ижрочилар | Халқ таълими вазирлигидан масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятига оид ташкилий-ҳуқуқий базани шакллантириш** | | | | | |
| 1. (1) | Вазирлик, идора ва ташкилотлар, хўжалик бошқарув органлари томонидан йўналишлари бўйича ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастурини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан келишиб ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Вазирлик чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан келишиш ва тасдиқлаш. | Чора-тадбирлар дастурлари | 2017 йил август | Вазирлик, идора ва ташкилотлар, хўжалик бошқаруви органлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев) | МАТБ (Ҳ.Даминов), ТМФТЭББ (Д.Кенжаев), ТМЎТЖРББ (А.Носиров), вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлим бошлиқлари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 2. (2) | Вазирлик, идора ва ташкилотларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш мақсадида уларнинг ташкилий тузилмаси ҳамда фаолиятини тартибга солувчи низомлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда қўшма қарор ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Ҳамкорликдаги қўшма қарорлар | 2017 йил август | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), вазирлик, идора ва ташкилотлар, хўжалик бошқаруви органлари | МАТБ (Ҳ.Даминов), КБ (Б.Шамсиев), МБҲҲБ (Н.Муротов), Бош юрисконсульт (С.Миразимов) |
| 3. (3) | Вазирлик, идора ва ташкилотларнинг республика бошқарув органларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тегишли тизимларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Етакчилар кенгашлари фаолиятини йўлга қўйиш. Вазирлик марказий аппаратида Етакчилар кенгаши фаолиятини йўлга қўйиш бўйича буйруқ лойиҳасини тайёрлаш ва тасдиққа киритиш. | Вазирлик, идоралар ва ташкилотларнинг ички норматив- ҳуқуқий ҳужжатлари | 2017 йил сентябрь | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), вазирлик, идора ва ташкилотлар, хўжалик бошқаруви органлари | МАТБ (Ҳ.Даминов), КБ (Б.Шамсиев), Бошюрисконсульт (С.Миразимов) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4. (4) | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро тизимли ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутадиган ҳамкорлик битимлари ва қўшма қарорларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши билан ҳамкорлик битими (қўшма қарор) тузилиши бўйича ҳамкорлик қилиш. | Ҳамкорлик битимлари ва қўшма қарорлари | 2017 йил сентябрь | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), вазирлик, идора ва ташкилотлар, хўжалик бошқаруви органлари, сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | МАТБ (Ҳ.Даминов), Бош юрисконсульт (С.Миразимов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ раҳбарлари |
| 5. (5) | Вазирлик, идора ва ташкилотлар тизимларида фаолият юритаётган Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилот етакчиларини юқори лавозимларга захирага киритилишини таъминлаш.<br>Тизимдаги бошланғич ташкилот етакчиларининг юқори лавозимларга захирага олиниши бўйича тегишли ички норматив ҳужжат қабул қилиш. | Вазирлик, идоралар ва ташкилотларнинг ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари | 2018 йил январь | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (Р.Касимов), вазирлик, идора ва ташкилотлар | КБ (Б.Шамсиев), МАТБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ раҳбарлари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 6. (7) | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимларида самарали фаолият юритаётган ходимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни давлат бошқаруви органларида кадрлар захирасига киритиш механизмини жорий этиш. Механизм ишлаб чиқишда ва Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш қарорини тайёрлашда иштирок этиш. | Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил октябрь | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), вазирлик, идора ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | КБ (Б.Шамсиев), МАТБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ раҳбарлари |
| 7. (10) | Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вазирлик, идора ва ташкилотлар тизимларидаги бошланғич ташкилотларида самарали меҳнат қилаётган етакчи ва сардорлар фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда уларни рағбатлантириш механизмлари бўйича низом лойиҳасини тайёрлаш ва тасдиқлаш. Низом лойиҳасини ва Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш қарорини тайёрлашда иштирок этиш. | Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил ноябрь | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), вазирлик, идора ва ташкилотлар, хўжалик бошқаруви органлари | МАТБ (Ҳ.Даминов), МБҲҲБ (Н.Муротов) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 8. (11) | Ёшларга оид давлат сиёсати амалга оширилишини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш, соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилаш. Тизимда “Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури”нинг ижросини мониторинг қилиб бориш. | Вазирлар Маҳкамаси чора- тадбирлар режаси | Ҳар чоракда | Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов), Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти (Ғ.Абдукаримов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (Ш.Жавлонов), Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси (А.Каримов), вазирлик ва идоралар | МАТБ (Ҳ.Даминов), вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ раҳбарлари,вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари |
| 9. (12) | Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари (Олий Мажлис, Вазирлик Маҳкамаси, прокуратура, вазирлик ва идоралар), соҳа бўйича ҳар ойда камида бир маротаба | Ёшлар масалалари бўйича | Йил давомида | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (Н.Исмоилов), | НТБ (К.Инаков), Ахборот хизмати |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | ёшлар билан очиқ мулоқотлар ўтказиш тизимини жорий этиш. Вазирлик раҳбариятининг ёшлар билан очиқ мулоқотлар ўтказиб боришини ташкил этиш. | идоралараро кенгаш қарори | | Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов), Бош прокуратура (И.Абдуллаев), вазирлик ва идоралар, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари | (Б.Шайвалиев), МАТБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ раҳбарлари, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари |
| **II. Ўзбекисгон ёшлар иттифоқи фаолияти самарадорлигини ошириш** | | | | | |
| 10. (17) | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи нашрлари ҳисобланган “Туркистон”, “Молодёжь Узбекистана” газеталари, “Ёш куч” журналининг ижтимоий-сиёсий, бадиий савиясини ошириш, уларнинг барча таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларга етиб бориши, материалларни ўқувчиларга тушунарли ва ҳаётий мисоллар асосида ёритиш ва оммавийлигини таъминлаш, ёшлар севиб ўқийдиган ҳамда уларни ўйлантирадиган муаммолар ҳал этишга кўмаклашадиган | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил сентябрь | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Матбуот ва ахборот агентлиги (К.Мансуров), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов), Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ раҳбарлари,вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 10. (17) | матбуот нашрларига айлантиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш.<br>Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарорини тайёрлашда иштирок этиш ва унинг тизимдаги ижросини таъминлаш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил сентябрь | | |
| 11. (24) | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ходимлари ва фаолларини қўллаб-қувватлаш, халқаро талабларга жавоб берадиган ёш раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Иттифоқнинг ташаббускор, масъулиятли ва етакчилик қобилиятига эга бўлган ходимлари ва фаолларини хорижий мамлакатларда малака ошириш тизимини йўлга қўйиш ҳамда нуфузли хорижий олий таълим муассасаларида ўз мутахассисликлари бўйича магистратура босқичида таълим олишларига кўмаклашиш, шунингдек, хорижий мамлакатлардаги ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | 2017 йил ноябрь | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (Қ.Қуранбаев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов), Халқ таълими вазирлиги | ТМФТЭББ (Д.Кенжаев), ИЖҚХҲБ (Д.Ташпулатов) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | алоқаларини йўлга қўйиш бўйича тартиб ишлаб чиқиш ва амалга киритиш.<br>Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарорини тайёрлашда иштирок этиш ва унинг тизимдаги ижросини таъминлаш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарори | | (У.Иноятов), Марказий банк (М.Нурмуратов), Молия вазирлиги (Б.Ходжаев), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов), Ички ишлар вазирлиги (А.Азизов), Давлат тест маркази (М.Каримов) | |
| **IV. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларда китобхонлик маданиятини юксалтириш, мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш** | | | | | |
| 12. (43) | Ёшларни турли зарарли ғоялар таъсиридан асраш, уларнинг тарбияси, одоб-ахлоқи учун ота-оналарнинг масъулияти ва жавобгарлигини кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.<br>Қонун лойиҳасини тайёрлашда иштирок этиш. | Қонун лойиҳаси | 2017 йил сентябрь | Адлия вазирлиги (М.Икрамов), Ички ишлар вазирлиги (А.Азизов), Халқ таълими вазирлиги (У.Иноятов), манфаатдор вазирлик ва идоралар | МАТБ (Ҳ.Даминов), Бошюрисконсульт (С.Миразимов) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 13. (44) | Ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан доимий таништириб бориш, улар ўртасида ҳуқуқий маданият, маънавият ва соғлом турмуш тарзи тарғиботи ишларини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳузурида “Ёшлар тарғиботчилар мактаби”ни ташкил этиш.<br>“Ёшлар тарғиботчилар мактаби”-ни ташкил этиш юзасидан Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаш қарорини ишлаб чиқишда вазирлик вакилининг иштирокини таъминлаш. | Ёшлар масалалари бўйича республика идоралар-аро кенгаш қарори | 2017 йил ноябрь | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Республика маънавият тарғибот маркази (Н.Қосимов), Халқ таълим вазирлиги (У.Иноятов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (М.Холмухамедов), Адлия вазирлиги (М.Икрамов), Ички ишлар вазирлиги (А.Азизов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шадманов), Миллий телерадиокомпания (Х.Мирзахидов) | МАТБ (Ҳ.Даминов) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 14. (49) | “Ёшлар кутубхонаси” рукнида чоп этилаётган миллий ва жаҳон адабиёти дурдоналари тўпламларини барча таълим муассасалари кутубхоналарига етказиш ва ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш.<br>Тизимдаги таълим муассасаларини миллий ва жаҳон адабиёти дурдоналари тўпламлари билан таъминлаш бўйича Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан ҳамкорлик қилиш ва тегишли ташкилий ишларни амалга ошириш. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг чора-тадбирлар режаси | 2017-2020 йиллар даомида | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов), Халқ таълим вазирлиги (У.Иноятов), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (М.Холмухамедов), “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси (И.Латипов) | ТМЎТЖРББ (А.Носиров), МАТБ (Ҳ.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ раҳбарлари, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2017 йил 28 июль* *240-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ 27 ИЮЛДАГИ “ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИ ВА ТАРМОҚЛАРИНИНГ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ПҚ-3151-СОН ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, олий педагогик маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш орқали вазирлик тизимида юқори малакали рақобатбардош педагог кадрлар тайёрлашнинг мазмунини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, илм- фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда тубдан такомиллаштириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарори (бундан буён қарор деб юритилади) ижро учун қабул қилинсин.

2. Қарор билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича вазирликнинг ишчи гуруҳ (бундан буён матнда ишчи гуруҳ деб юритилида) таркиби 1-иловага, олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлаш юзасидан буюртмаларни шакллантириш, давлат педагогика институтларида мутахассисларни тайёрлаш даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш ҳамда тизимдаги таълим муас-

сасаларида талабалар амалиётларини ўтказиш, илмий ишларни ҳамкорликда бажариш, битирувчиларнинг ишга жойлашишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ (С.Турғунов)га:

бир ой муддатда педагогик кадрлар буюртмачилари ва давлат педагогика институтлари билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш мазмуни, битирувчиларнинг билим ва кўникмасига қўйиладиган талабларни мужассамлаштирувчи олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малакавий талаблари, ўқув режалари ва дастурларини соҳа эҳтиёжидан келиб чиқиб, янгидан ишлаб чиқиш юзасидан, шунингдек, ривожланган хорижий давлатларнинг энг илғор тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда ўқув режалари ва фан дастурлари, ўқув адабиётлари, шу жумладан, ўқув-методик комплексларнинг халқаро стандартлар асосида замонавий, мутлақо янги талаблар асосида ишлаб чиқилиши бўйича таклифлар тайёрлаш;

мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг мутахассислар тайёрлаш сифатига бўлган талабларини давлат педагогика институтлари кафедраларининг профессор-ўқитувчилари томонидан тизимли ўрганиб борилишини ташкил этиш;

беш ой муддатда ҳудудларнинг жорий ва истиқболли ривожланиш дастурларини ҳисобга олиб, олий малакали педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни йиллар кесимида аниқ манзилли, касб ва таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларини кўрсатган ҳолда, аниқ баланс берадиган ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқиш;

давлат педагогика институтларининг тегишли таълим йўналишлари бўйича ҳар бир талабанинг 2-курсдан бошлаб тегишли таълим муассасаларида малакавий амалиётлари тизимли равишда ўтказилишини, шунингдек, уларнинг амалий машғулотларини бевосита таълим муассасаларида ташкиллаштириш ҳамда битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича аниқ чоралар кўриш;

ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълим ўртасида интеграцияни чуқурлаштириш учун педагогика соҳасини илмий-техник ривожлантириш йўналишлари муаммоларига бағишланган мавзулар базасини шакллантириш ҳамда бу муаммоларни давлат педагогика институтлари билан шартномалар тузган ҳолда ҳал этишга, уларнинг илмий салоҳиятини, айниқса, ёш олимлар ва тадқиқотчиларни тизимли тарзда жалб этиш;

иқтидорли ёш педагоглар ва докторантларни етакчи хорижий таълим муассасаларига тажриба орттиришга юбориш, улар учун махсус стипендиялар таъсис этиш, давлат педагогика институтла-

рининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва талабаларининг халқаро тажриба алмашинувларини ташкил этиш орқали илмий ва педагогик салоҳиятини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

ўқитишнинг замонавий шакллари ва методларини, компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этиш, давлат педагогика институтларини замонавий ўқув-лаборатория анжомлари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, олий таълим муассасаларининг замонавий илмий лабораторияларини ташкил этиш ва ривожлантириш чораларини белгилаш;

ҳар ойда ҳар бир давлат педагогика институтларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан соҳага оид янгиликлар, ривожлантириш истиқболлари, таълим мазмунини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш юзасидан учрашувлар ўтказиб бориш;

бир ой муддатда давлат педагогика институтларининг ҳар йилги рейтингини аниқлаш, шунингдек, миллий рейтинг тизимида юқори кўрсаткичларни қайд этган олий таълим муассасаларига ўқув жараёнининг алоҳида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ваколатини бериш орқали академик эркинлик босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

бир ой муддатда давлат педагогика институтларида ўқув-методик раҳбарликни амалга ошириш, шу жумладан, ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, илмий ишларнинг самарали олиб борилишини ташкил қилиш каби вазифаларни амалга ошириш учун давлат педагогика институтлари раҳбарлари, соҳанинг етук мутахассислари, профессор-ўқитувчилар вакилларидан иборат вазирлик ҳузурида Мувофиқлаштирувчи Кенгаш таркибини шакллантириш, Кенгаш Низоми лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш чораларини кўриш;

қарорда белгиланган параметрларни сўзсиз бажариш, шу жумладан, илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, профессор-ўқитувчиларни хорижий таълим муассасаларига малака ошириш ва стажировкага, иқтидорли битирувчиларни магистратура ва докторантурага юбориш, шунингдек, ўқув лаборатория базасини янгилаш бўйича белгиланган топшириқларнинг бажарилишини ҳар чорак якуни бўйича мунтазам муҳокама қилиб бориш;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда:

профессор-ўқитувчилар томонидан талабалар билан олиб бо-

риладиган маънавий-маърифий ишларни ҳар бир муайян талаба билан олиб бориш, уларда мафкуравий иммунитетни оширишнинг таъсирчан чораларини кўриш юзасидан услубий асосларни яратиш;

15 сентябрга қадар талаба-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш, уларнинг касбий компетентлиги билан инсоний фазилатларини уйғунлаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг тарбиявий масъулиятини ошириш, таълим ва тарбия уйғунлигини амалда таъминлаш учун фанларнинг ҳар бир мавзусидаги тарбиявий мақсаддан унумли фойдаланилишини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш;

бугунги кунда ёшлар тарбияси ўта долзарб масала эканини инобатга олиб, давлат педагогика институтларидаги маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорларнинг функционал вазифаларини қайта кўриб чиқиб, уларнинг даврий малакасини ошириш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

4. Давлат педагогика институтлари ректорларига:

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир олий таълим муассасасида барча курсларда камида 2 та гуруҳда мутахассислик фанларини инглиз тилида ўқитишни босқичма-босқич ташкил этиш, инглиз тилида дарс ўтадиган профессор-ўқитувчиларни мақсадли тайёрлаш, уларнинг хорижда тегишли тайёргарликдан ўтишини ташкил этиш, шунингдек, ўқув машғулотларини олиб боришга хорижий мутахассисларни жалб қилиш, машғулотларни ривожланган давлатлар олий таълим муассасаларида бугунги кунда фойдаланилаётган замонавий ўқув адабиётлари асосида ўтилишини йўлга қўйиш;

истиқболли илмий-педагогик кадрларнинг ривожланган давлатлар, хусусан, Жанубий Корея, Япония ва Германияда 2-3 ойлик курсларда ўзаро ҳамкорлик бўйича тузилган шартномалар, ҳомийлик ва халқаро ташкилотлар грантлари маблағлари ҳисобидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малакасини ошириш, стажировка ўташ ва таълим олишини ташкиллаштириш “Истеъдод” жамғармаси орқали мутахассислиги бўйича янги билимларни эгаллашга йўналтирилган малака оширишларини ташкил этиш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига етакчи хорижий мутахассисларни мунтазам равишда жалб этиш чораларини белгилаш;

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб магистратурада кадрлар тайёрлаш тизимини танқидий таҳлил қилиш, магистратура таълими жараёнининг барча босқичларини такомиллаштириш, уларни замонавий ёндашувлар асосида ташкил этиш чораларини кўриш;

докторантлар ва магистратура талабаларини таълим муассасаларининг муаммоли масалаларига бағишланган диссертация мав-

зулари устида ишлашини, шунингдек, тажриба-синовларни муассасаларда ўтказиш, амалиётга татбиқ этилган ишлар муаллифлари бўлган ҳамда ихтирочилик патентини қўлга киритган докторант ва магистрларни ўқитувчи лавозими бўйича ойлик иш ҳақи миқдорининг 10 баробаригача моддий рағбатлантириш чораларини кўриш;

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб давлат педагогика институти кафедраларининг мақомини кўтариш, бунда уларнинг таълим сифатини ошириш бўйича масъулиятини кучайтириш, кафедра ва профессор-ўқитувчилар томонидан юритиладиган турли статистик ва бошқа ҳисоботлар сонини оптималлаштириш орқали уларни тайёрлаш жараёнларини электрон форматга ўтказиш чораларини кўриш;

бир ой муддатда давлат педагогика институтини 2030 йилгача бўлган даврда ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун вазирликка киритиш, 2021 йилгача институтнинг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилишини (рейтинг рўйхатида эълон қилинишини) таъминлаш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

жорий этилиши назарда тутилган психолог ва ҳар бир талабалар турар жойи учун тарбиячи-педагог штати учун муносиб номзодларни белгилаш, меҳнатга ҳақ тўлаш разряди бўйича олий таълим муассасалари маънавият ва маърифат бўлими бошлиғининг лавозим разрядини 16-разрядга, бўлим ходимларининг лавозим разрядини 14-разрядга кўтарилишини, олий таълим муассасалари гуруҳ мураббийларининг фаолияти самарадорлиги ва масъулиятини янада ошириш, уларнинг доимий рағбатлантириб борилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир гуруҳ мураббийига (жумладан, мураббийлар кенгаши раҳбарларига) ойлик маошининг 25 фоизигача миқдорда устама ҳақ тўланишини, ҳар ўқув йилида маънавий-маърифий ишларни молиялаштириш мақсадида таълим муассасаси харажатлари сметасининг камида 5 фоизини юқорида назарда тутилган харажатлар учун ажратилишини ҳамда ушбу маблағларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан шахсий масъулият давлат педагогика институтларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлари зиммасига юкланишини инобатга олиш вазифалари топширилсин.

5. Педагог кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими (Ф.Эсанбобоев), Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев) га уч ой муддатда;

2018-2019 ўқув йилидан бошлаб давлат педагогика институтлари магистратура босқичида таълим муассасаларининг бошқаруви мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш чораларини белгилаш;

институтларга талабаликка қабул қилишда абитуриентларни кириш тест синовлари билан бир қаторда уларнинг касбий лаёқатини аниқлаш бўйича ижодий суҳбат ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш;

ҳудудларнинг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида педагогика таълим йўналишларига давлат грантлари асосидаги қабул квоталари улушини ошириш орқали мақсадли қабулни ташкил этиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун тайёрлаш вазифалари топширилсин.

6. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Д.Кенжаев)га 20 августга қадар:

давлат педагогика институтлари ҳузуридаги ўқув-методик ва моддий-техника базаси замонавий талабларга жавоб бермайдиган, институтлардан узоқда жойлашган, таълим сифати ва битирувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари паст бўлган академик лицейларни тугатиш, академик лицейларни фақат юқори илмий ва педагогик салоҳиятга эга олий таълим муассасалари таркибида биттадан қолдирилишини инобатга олиш;

ўз фаолиятини давом эттирадиган академик лицейларга умумтаълим мактабларини битирган энг билимли, қобилиятли ёшларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва 2018-2019 ўқув йилидан жорий қилиш;

академик лицейларда ўқитиш сифатини тубдан ўзгартириш, битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичларини кескин ошириш, бунда давлат педагогика институтлари ректорларининг шахсий масъулиятини кучайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

икки ой муддатда таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагог кадрларнинг ижтимоий нуфузини ошириш, жамиятда педагогик фаолиятнинг обрўсини юксалтириш, педагогларни ёшларга намуна ва ўрнак даражасига кўтариш, шунингдек, турли танловлар ва конкурсларда совриндор бўлган, ўқувчи-талабалари республика ва халқаро олимпиадаларда, танловларда юқори натижаларни қўлга киритган педагогларга уй-жой, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган янги автомобиль, маиший-хўжалик жиҳозлари сотиб олишлари учун имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитларини ажратиш тартибини жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифалари топширилсин.

7. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **У. Иноятов**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2017 йил 8 август* *252-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

### ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДАГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА СЕКЦИЯ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ ГУРУҲЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3031-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2017 йилга мўлжалланган иш режаси ижросини таъминлаш ҳамда таълим муассасалари ўқувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, соғломлаштириш, жисмоний тарбия, оммавий спорт ишларини ташкил этиш, комплекс спорт мусобақалар ўтказиш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида (кейинги ўринларда таълим муассасаси деб юритилади) спорт турларидан секциялар ташкил этиш тўғрисидаги йўриқнома (кейинги ўринларда йўриқнома деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

икки ҳафта муддатда йўриқноманинг мазмун-моҳиятини барча таълим муассасаларига етказиш ҳамда раҳбар ходимлар, жисмоний тарбия ўқитувчиларига тушунтириш ишлари олиб борилишини назорат қилиш;

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасасида камида бешта "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари дастурига киритилган спорт турлари бўйича секциялар ташкил этилишини йўлга қўйиш;

ўн кун муддатда ҳудудий Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси билан биргаликда давлат таълим стандартлари бўйича таълим муассасаларида жисмоний тарбия фанидан ўтиладиган спорт турлари бўйича маҳорат сабоқлари, муассасалараро янги ўқув йилида ўтказиладиган оммавий спорт тадбирлари, фестиваллар ва семинарлар бўйича тақвим режаларни тузиш ҳамда тасдиқлаш;

таълим муассасаларида секция машғулотларининг йўриқнома асосида ўтказилиши ва уларнинг зарур спорт анжомлари билан таъминланишини мунтазам назоратга олиш;

таълим муассасасида дарсдан ташқари ўтказиладиган секция жадвали тузилишини ва спорт залларининг бўш турмаслигини шахсан назоратга олиш;

секцияларда шуғулланадиган ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтган ҳолда қатнашишларини, шунингдек, спорт залининг санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинишини қатъий назоратга олиш;

секциялар ташкил этилган спорт турлари бўйича бурчаклар ҳамда унинг фаолиятини ёритиб борувчи, ўқувчиларни спортга бўлган қизиқишини уйғотувчи тарғибот ва ташвиқот стендларини ташкил этиш;

секцияларни тўғри ташкил этилиши бўйича ҳар ойда камида бир маротаба таълим муассасасида услубий ёрдам кўрсатиш кунини белгилаш ҳамда секция машғулоти ўтказилиши бўйича туман (шаҳар) услубчилари, таълим муассасаси ва тегишли раҳбар ходимлар томонидан назорат-таҳлиллар олиб борилишини йўлга қўйиш;

ўқув йилининг ҳар чораги якунидан сўнг уч кун муддатда амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни Ўзбекистон "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий Кенгашига тақдим этиб бориш вазифалари топширилсин.

3. Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси (А.Алимов)га:

йўриқнома асосида таълим муассасаларида секцияларнинг тўлиқ ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш;

Республика таълим маркази (И.Зокиров) билан биргаликда секцияларда ўқув машғулотларни ташкил этиш бўйича спорт турларидан ўқув дастур, методик тавсия, ўқув қўлланмалар ва секция машғулотларини қайд этиш журналини ишлаб чиқиш вазифалари юклатилсин.

4. Ўзбекистон "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий Кенгаши (Т.Тойиров)га:

барча таълим муассасаларида камида бешта спорт тури бўйича секциялар фаолияти ташкил этилишини ва белгиланган муддатларда ўтказилишини назоратга олиш;

ҳар чоракда сайланма тарзда жойларга чиқиб ўрганиш, таҳлил қилиш ва мониторингини юритиш;

секциянинг бошланғич тайёргарлик босқичидан ўтган ўқувчилар орасидан иқтидорлиларини танлаб олиб, болалар-ўсмирлар спорт мактабларига йўналтириш чораларини кўриш;

таълим муассасаларини секция машғулотлари жараёнини қайд этиш журнали билан таъминлаш;

ўқув йилининг ҳар чораги якуни бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни бир ҳафта муддатда вазирликка тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларининг таълим муассасаларидаги спорт зали ва майдончаларнинг ҳолатлари, спорт жиҳозлар билан таъминланиши, улардан самарали фойдаланиш ҳамда ювиниш хоналарида сув таъминотининг барқарор ишлашининг таъминланишига шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А.Саъдуллаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг*
*2017 йил 8 август 252-сонли буйруғига*
*илова*

## Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида спорт турларидан секциялар ташкил этиш тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА

Мазкур йўриқнома умумий ўрта таълим мактабларининг (кейинги ўринларда таълим муассасаси деб юритилади) жисмоний тарбия фани ўқитувчилари учун мактабда дарсдан кейинги спорт секцияларини ташкиллаштиришда амалий-услубий ёрдам сифатида тавсия этилади.

Йўриқномада спорт турлари бўйича дарсдан кейинги спорт секцияларни ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар ёритиб берилган.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш, ўқувчилар ўртасида спорт турларига бўлган қизиқишни оммалаштириш, спорт турларини ривожлантириш, келажакда спорт турлари бўйича миллий терма жамоа сафига кирувчи ўқувчилар захираларини тайёрлашда замин яратиш мақсадида мактабларда дарсдан кейинги спорт секциялари (кейинги ўринларда секция деб юритилади) фаолияти ташкил этилади.

2. Таълим муассасасида секциялар фаолиятини жисмоний тарбия ва спорт бўйича зарур касб кўникмалари ҳамда тажрибага эга бўлган малакали педагог юритади. Шахмат, шашка, дартс ва шу каби спорт турлари бўйича секцияларни юритишга мутахассислиги бошқа фан йўналиши бўйича бўлган тажрибага эга педагогларга ҳам рухсат этилади.

### 2-боб. Йўриқнома мақсади

3. Таълим муассасада соғлиғида тиббий чекланиш ва нуқсонлари бўлмаган ўқувчиларнинг жисмоний имкониятларини инобатга олган ҳолда танланган спорт тури бўйича секцияларда шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиш, спорт ва жисмоний тайёргарликни амалга ошириш, танланган спорт тури бўйича уларнинг қобилиятларини ривожлантириш ҳамда спорт мактабларига йўналтириш.

## 3-боб. Секцияни ташкил этиш

4. Секция машғулотлари ихтиёрий бўлиб, ўқувчиларнинг талаб ва истаклари асосида “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари дастурига киритилган спорт турларидан ташкил этилади ва машғулотлар ушбу мактабнинг ўз спорт базаларида ўтказилади. Таълим муассасанинг ўз спорт базаси машғулотларни ўтказиш талабларига жавоб бермаса ёки мавжуд бўлмаса, яқин атрофдаги таълим муассасалари спорт базаларидан ўрнатилган тартибда фойдаланишига рухсат этилади.

5. Ташкил этилган секциялар жадвали ва уларни юритадиган педагоглар таркиби, секция дастури, ўқувчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарликлари бўйича назорат-ўтказиш нормативлари, соғлиғининг тиббий ҳолати кўрсаткичлари ҳамда танланган спорт турларининг талаблари асосида тайёрланади ва директор буйруғи билан тасдиқланади.

6. Ҳар бир секция машғулотлари гуруҳларида қатнашувчи ўқувчилар сони 15 нафардан кам бўлмаслиги керак.

## 4-боб. Секция машғулотларини ўтказиш тартиби ва муддати

7. Секция машғулотлари таълим муассасаси раҳбари буйруғи билан янги ўқув йилидан бошлаб ўтказилади.

8. Секция машғулотлари ўқув йили учун тузилган жадвалга мувофиқ ўтказилади. Жадвалга ўзгартиришлар киритиш директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари билан келишган ҳолда амалга оширилади. Ўқитувчининг ташаббуси билан машғулотлар жадвалига ўзгартиришлар киритилиши билдиришнома орқали аниқ вақти ва куни кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

9. Секция машғулотлари Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 88-сон буйруғи асосида таълим муассасаларида дарсдан сўнг фаолият кўрсатаётган жисмоний тарбия фани ўқитувчисининг ҳафталик дарс соатлари юкламасига кўра ва амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартиблар асосида амалга оширилади.

10. Секция ўқитувчиси машғулотларнинг ўтказилиши, дастурларнинг бажарилиши ва шуғулланувчиларнинг давоматини секция журналида қайд қилиб бориши лозим. Секция журнали ҳар ойда мактабдан ташқари ишларни таҳлил қилиш учун директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарига топширади.

## 5-боб. Секция раҳбарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Секция раҳбари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўқувчиларни секция машғулотига мустақил равишда қабул қилиш;

дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

спорт турлари қоидаси асосидаги усуллардан фойдаланган ҳолда дарсдан ташқари машғулотларни ижодий ташкил этиш;

секция машғулотларини ўтказиш бўйича жадвалларни тузишда таклифлар киритиш.

12. Секция раҳбари қуйидагиларга мажбур:

секция раҳбарлиги билан боғлиқ бўлган функционал вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

секция машғулотини жадвал ва ўтказиш тартиби асосида ташкил этиш;

спорт турлари бўйича таълим муассасасида мусобақалар ўтказилишини ташкил қилиш, шунингдек, туман (шаҳар), вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда секция шуғулланувчиларининг иштирокини таъминлаш;

ўқувчилар билан мулоқотда педагогик этика қоидаларига риоя қилиш; машғулотлар ўтиш давомида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлаш.

## 6-боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоидаларга амал қилиш

13. Секция раҳбари машғулотлар давомида ўқувчилар ҳаёти ва саломатлиги учун машғулотлар жараёнини хавфсиз ташкил этиш учун масъул ҳисобланади.

14. Машғулот жараёнида кўнгилсиз ходиса юз берганда, жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатади ва таълим муассасаси раҳбариятини зудлик билан хабардор қилади.

15. Фавқулотда ҳолатлар юз берганда ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш учун ўқувчиларни эвакуация қилиш чораларини кўриб қўйиши ва эвакуация схемаси билан ўқувчиларни таништирган бўлиши лозим.

## 7-боб. Секция фаолиятини юритишда ҳужжатлаштириш

16. Секция фаолиятига тааллуқли қуйидаги ҳужжатлар юритилади: мазкур йўриқнома иловасида келтирилган секция машғулотлари жадвали; секцияга қатнашувчи ўқувчиларнинг соғлиғи тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг жисмоний кўрсаткичлари (антропометрик) натижалари;

спорт турларининг ўқув дастури, методик тавсиялар, ўқув қўлланма, йиллик иш режаси, тақвим-мавзу режа, спорт секцияси журнали, машғулот конспекти.

17. Директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбо-

сари қуйидаги тартибда секция ишини тизимли мониторингини олиб боради:

секция журнали юритилишини камида бир ойда икки маротаба ўрганиш; таълим муассасаси иш режасига мувофиқ секция машғулотларини жадвал асосида ўтказилишини назорат қилиш ва машғулотларнинг самарали ўтказилишини таҳлил қилиш;

ярим йилликда бир маротаба секция раҳбарларининг ҳисоботларини таҳлил қилиш.

18. Секция фаолияти ҳужжатлари, назоратдаги ҳужжатлар ҳисобланади ва уч йил таълим муассасаси архивида сақланади.

## 8-боб. Якунловчи қоидалар

19. Ўқув йили мобайнида секцияга қатновчи ўқувчилар ҳар олти ойда (октябрь ва апрель ойларида) танланган спорт турларининг бошланғич кўникмалари, умумий ва жисмоний тайёргарлик бўйича назорат синовларини топширадилар.

20. Таълим муассасаси раҳбарлари мазкур йўриқнома кўрсатмалари талабларига риоя қилиниши учун шахсан жавобгардирлар.

21. Ўқитувчининг шахсий йиллик иш юкламасида белгиланган ишларнинг бажарилмаганлиги маълум бўлса, бунинг сабаби аниқланади ҳамда ўқитувчига нисбатан меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда интизомий чора кўрилади.

*Халқ таълими вазирлиги тизимидаги*
*умумий ўрта таълим мактабларида спорт*
*турларидан секциялар ташкил этиш*
*тўғрисидаги йўриқномага*
*ИЛОВА*

Н А М У Н А

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани**
**84-сонли умумтаълим мактаби директори**
**_________________ З.Эргашева**
**“_____” __________ 201__ й.**

Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани 84-сонли умумтаълим мактаби 5-9-синфларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Ж.Хасановнинг дарсдан кейинги секция машғулотлари жадвали

| № | Спорт турлари | Ҳафта кунлари | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Душанба | Сешанба | Чоршанба | Пайшанба | Жума | Шанба |
| 1 | Волейбол | $14^{00}$-$14^{45}$ | | | $14^{00}$-$14^{45}$ | | |
| | | $16^{00}$-$16^{45}$ | | | $16^{0}$-$16^{45}$ | | |
| 2 | Баскетбол | | $14^{30}$-$15^{15}$ | | | $14^{30}$-$15^{15}$ | |
| | | | $16^{0}$-$16^{45}$ | | | $16^{0}$-$16^{45}$ | |

**Маънавий ва маърифий ишлари**
**бўйича директор ўринбосари** **Л.Саидова**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2017 йил 8 август* *253-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДАГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ СПОРТ ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИ ТИЗИМЛИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастурида ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2017 йилга мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифаларни бажариш, умумий ўрта таълим мактаблари спорт заллари ва майдончаларидан самарали фойдаланиш, жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини ривожлантириш, ўқувчилар ўртасида дўстона алоқаларни янада кучайтириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчи ёшларини спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилиш, оммавий спорт тадбирларини замон талаблари даражасида такомиллаштириш, уларни фойдали ва мазмунли ҳаракатга йўналтириш, соғломлаштириш ва чиниқтириш, жамоа бўлиб ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида барча таълим муассасаларининг бошланғич синфларида “Болажонлар спорт жамоалари” ҳамда юқори синфларида “Ёшлик спорт жамоалари” 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб “Биз буюк Ватан фарзандларимиз” шиори остида ташкил этилсин.

2. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари учун “Болажонлар спорт жамоалари” ҳамда юқори синф ўқувчилари ўртасида “Ёшлик спорт жамоалари” спорт мусобақаларини (кейинги ўринларда мусобақалар деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги Низом 1-иловага ҳамда вазирлик Ташкилий қўмитаси рўйхати

2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

мусобақаларни ўтказиш юзасидан ҳудудий ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати рўйхатини шакллантириш ҳамда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

мусобақаларни ўтказувчи ва доимий фаолият юритувчи туман ташкилий қўмиталари ҳамда унинг аъзолари фаолиятини назорат қилиш;

мусобақаларни мазкур буйруқ билан тасдиқланган Низом асосида ўтказилишини таъминлаш;

мусобақалар ўтиш даврида иштирокчиларнинг саломатлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш, уларга техника хавфсизлиги қоидалари бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш;

мусобақаларнинг ўтказиш жараёнларини маҳаллий оммавий ахборот воситалари, расмий веб-сайтларда ва ZiyoNET ахборот таълим порталида кенг ёритиш;

амалга оширилган ишлар ва мусобақаларнинг ҳар бир босқичи якунлангандан сўнг уч кун муддатда маълумотларни ёзма ва электрон шаклда Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг Марказий кенгашига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси (А.Алимов) ушбу буйруқ ижроси юзасидан ҳудудларда амалга оширилаётган ишларни қатъий назоратга олсин ва амалий ёрдам кўрсатсин.

5. Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши (Т.Тойиров)га:

Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгашида Республика штабини ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиши учун шароит яратиш;

мусобақаларнинг туман (шаҳар) ва вилоят босқичи ўтказилиши жараёнида спорт турлари бўйича таниқли спортчиларни жалб этган ҳолда “маҳорат сабоқлари”ни ўтказиш ҳамда кўргазмали чиқишларни ташкил этиш;

бир ой муддатда мусобақаларни ўтказувчи бош ҳакамлар таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

мусобақаларнинг ғолиб ва совриндор жамоаларини Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошланғич ташкилотлари, туман (шаҳар) ҳамда вилоят бўлимлари томонидан рағбатлантириш ишларини шахсан назоратга олиш;

жамиятнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар сметасида мазкур тадбирлар учун режалаштирилган маблағлар

доирасида мусобақанинг республика (финал) босқичини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

амалга оширилган ишлар ҳамда мусобақаларнинг ҳар бир босқичи якунлари юзасидан таҳлилий маълумотларни вазирликнинг Болалар спортини ривожлантириш бошқармасига ёзма ва электрон шаклда тақдим этиб бориш вазифалари топширилсин.

6. Вазирликнинг Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев)га “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Рахимов) ҳамда “ZiyoNet” ресурс марказининг вазирлик ҳузуридаги бўлими (У.Тайлаков) билан биргаликда оммавий ахборот воситалари, вазирликнинг веб-сайти ва ZiyoNet.uz порталида мусобақа жараёнларини кенг ёритилиши тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2016 йил 4 августдаги “Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчилар ўртасида “Мактаб лигаси” спорт мусобақаларини тизимли ташкиллаштириш ва ўтказиш тўғрисида”ги 197-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари А.Саъдуллаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг*
*2017 йил 8 август 253-сонли буйруғига*
*илова*

**Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари учун “Болажонлар спорт жамоалари” ҳамда юқори синф ўқувчилари ўртасида “Ёшлик спорт жамоалари” спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида**
**НИЗОМ**

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастурига мувофиқ Халқ таълими вазирлиги тизимдаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Болажонлар спорт жамоалари” ҳамда “Ёшлик спорт жамоалари” спорт мусобақаларини (кейинги ўринларда мусобақалар деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мусобақалар “Биз буюк Ватан фарзандларимиз” шиори остида ўтказилади.

3. Мусобақаларнинг ғолиб ва совриндор бўлган жамоалари мусобақалар ўтказилган ўқув йили ғолиблари ҳисобланадилар.

## 2-боб. Мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказишнинг мақсад ва вазифалари

4. Мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказишдан мақсад умумий ўрта таълим мактабларида таълим олаётган ўқувчиларни жисмоний етук ва ахлоқий баркамол, Ватанга садоқат руҳида комил инсон қилиб тарбиялаш, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида ривожлантиришни амалга ошириш, ёшларни спортнинг ўйин турларига қизиқишлари ва эътиборларини кучайтириш, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, ғалабага интилиш иштиёқларини камол топтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборатдир.

5. Мусобақаларни ўтказишнинг асосий вазифалари қуйидагича:

умумий ўрта таълим мактаби ва ҳудудий спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини спорт турларига бўлган қизиқишларини янада ошириш;

ўқувчиларнинг спорт турлари бўйича иқтидорини аниқлаш ва уларни болалар-ўсмирлар спорт мактабларига йўналтириш;

ўқувчиларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кучайтириш, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини ошириш;

ўқувчи ёшларни жисмоний ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини ташкил этиш, улар ўртасида спортни оммалаштириш ва ривожлантириш;

ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига доимий равишда жалб этиш.

## 3-боб. Мусобақаларнинг ўтказилиши ва иштирокчилари

6. Мусобақалар Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спортга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, мазкур Низомга ва спорт турлари бўйича мусобақа қоидаларига мувофиқ ўтказилади.

7. Мусобақалар бошланғич синф ўқувчилари учун ҳаракатли ўйинлар ҳамда спортнинг енгил атлетика ва мини футбол турларидан уч босқичда қуйидаги тартибда ҳар бир синф кесимида алоҳида ўтказилади:

биринчи - мактаб босқичи;

иккинчи - мактаблараро босқич;

учинчи - туман (шаҳар) босқичи.

### 1. Ҳаракатли ўйинлар

Жамоа таркибида жами 12 киши бўлиб, шундан 10 нафар (5 нафар ўғил ва 5 нафар қиз болалар) спортчи, 1 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам (вакил)дан иборат бўлади.

1-синф ўқувчилари учун “Картошка экиш”, “Тўп сардорга”, “Қопқон”, “Нишонга аниқ от”, “Топишмачоқ”, “Ким узоққа улоқтиради”;

2-синф ўқувчилари учун “Чархпалак”, “Карнайми, сурнайми?”, “Ким чаққон?”, “Тунги соқчи”, “Қафасдаги қушлар”, “Тўпни оёқлар орасидан узатиш”;

3-синф ўқувчилари учун “Инсиз қуён”, “Нина ип ва тугмача”, “Тўп капитанга”, “Доира бўйлаб тўп узатиш”, “Чўртан балиқ ва балиқлар”, “Тулкилар ва наъматак”;

4-синф ўқувчилари учун “Рақам билан чақириш”, “Ким чаққон”, “Олиб қочар”, “Отишма”, “Калхат ҳужуми”, “Сеҳрли катаклар” ҳаракатли ўйинлар бўйича ўтказилади.

**2. Енгил атлетика**

Жамоа таркибида жами 10 киши бўлиб, шундан 8 нафар (4 нафар ўғил ва 4 нафар қиз болалар) спортчи, 1 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам (вакил)дан иборат бўлади.

1-2-синф ўқувчилари учун 3х10 мокисимон ва 150-200 метрга юриш билан алмаштириб югуриш, теннис коптогини узоққа улоқтириш, турган жойда узунликка сакраш бўйича;

3- 4-синф ўқувчилари учун 30, 60 метрга масофаларга ва 150-200 метрга юриш билан алмаштириб югуриш, теннис коптогини узоққа улоқтириш, югуриб келиб 30-60 см тўсиқдан сакраш бўйича ўтказилади.

**3. Мини футбол**

Жамоа таркибида жами 10 киши бўлиб, шундан 8 нафар ўғил бола спортчилар, 1 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам (вакил)дан иборат бўлади.

Мусобақалар ФИФА томонидан тасдиқланган “Мини футбол ўйини қоидалари”га асосан ўтказилади.

8. Мусобақалар юқори синф ўқувчилари учун спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, гандбол, бадминтон ва стол тенниси турларидан ўғил ва қиз болалар ўртасида беш босқичда қуйидаги тартибда ҳар бир синф кесимида алоҳида ўтказилади:

биринчи - мактаб босқичи;
иккинчи - мактаблараро босқич;
учинчи - туман (шаҳар) босқичи;
тўртинчи - вилоят босқичи;
бешинчи - Республика (финал) босқичи.

**1. Футбол**

Жамоа таркибида жами 17 киши бўлиб, шундан 15 нафар ўғил бола спортчилар, 1 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам (вакил)дан иборат бўлади.

Мусобақа ўйин вақти 5-7-синф ўқувчилари учун 2 тайм х 30 дақиқадан, 8-10-синф ўқувчилари учун 2 тайм х 35 дақиқадан иборат бўлиб, таймлар орасидаги дам олиш вақти 10 дақиқани ташкил этади. Ўйин мобайнида 4 нафар ўйинчини алмаштиришга рухсат берилади.

Мусобақалар ФИФА томонидан тасдиқланган “Футбол ўйини қоидалари”га асосан ўтказилади.

**2. Баскетбол**

Жамоа таркибида жами 20 киши бўлиб, шундан 18 нафар (9 нафар ўғил ва 9 нафар қиз болалар) спортчи, 1 нафар мураббий ва 1

нафар ҳакам (вакил)дан иборат бўлади. Мусобақалар Халқаро баскетбол федерацияси (ФИБА) томонидан тасдиқланган қоидаларга асосан ўтказилади.

### 3. Волейбол

Жамоа таркибида жами 20 киши бўлиб, шундан 18 нафар (9 нафар ўғил ва 9 нафар қиз болалар) спортчи, 1 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам (вакил)дан иборат бўлади. Мусобақалар Халқаро волейбол федерацияси (ФИВБ) томонидан тасдиқланган қоидаларга асосан ўтказилади.

### 4. Гандбол

Жамоа таркибида жами 20 киши бўлиб, шундан 18 нафар (9 нафар ўғил ва 9 нафар қиз болалар) спортчи, 1 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам (вакил)дан иборат бўлади. Мусобақалар Халқаро гандбол федерацияси томонидан тасдиқланган қоидаларга асосан ўтказилади.

### 5. Бадминтон

Жамоа таркибида жами 6 киши бўлиб, шундан 4 нафар (2 нафар ўғил ва 2 нафар қиз болалар) спортчи, 1 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам (вакил)дан иборат бўлади. Мусобақалар Халқаро бадминтон федерацияси (БВФ) томонидан тасдиқланган қоидаларга асосан ўтказилади.

Мусобақанинг яккалик баҳслари олимпия тизимида ўтказилади. Учрашувлар уч партиядан иборат бўлиб, 11 очкогача ўйналади. Икки партияда ғолиб бўлган спортчи ғолиб деб ҳисобланади.

### 6. Стол тенниси

Жамоа таркибида жами 4 киши бўлиб, шундан 2 нафар (1 нафар ўғил ва 1 нафар қиз болалар) спортчи, 1 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам (вакил)дан иборат бўлади. Мусобақалар Халқаро стол тенниси федерацияси томонидан тасдиқланган қоидаларга асосан барча ўринлар аниқланган ҳолда ўтказилади.

Мусобақанинг яккалик баҳслари олимпия тизимида ўтказилади. Учрашувлар уч партиядан иборат бўлиб, ҳар бир партия 11 очкогача ўйналади. Икки партияда ғолиб бўлган спортчи ғолиб деб ҳисобланади.

9. Белгиланган синф ўқувчилари таркибидан мактабларaро ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этиш учун мактаб жамоаси шакллантирилади.

10. Мактаблараро мусобақалар туман (шаҳар)даги бир-бирига яқин масофада жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида ўтказилади. Туман (шаҳар)лардаги мавжуд умумий ўрта таълим мактаблари сони асосида ҳудудий ташкилий қўмита томонидан гуруҳлар белгиланади ва туман (шаҳар) босқичида иштирок этадиган жамоалар аниқланади.

## 4-боб. Мусобақаларни ўтказиш муддати

11. Мусобақаларнинг мактаб ва мактабларaро босқичи сентябрь-декабрь ойларида, туман (шаҳар) босқичи январь-март ойларида, вилоят босқичи апрель-май ойларида ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ғолибликни қўлга киритган мактаб ўқувчилари жамоалари спортнинг 4 та туридан (футбол, баскетбол, волейбол ва гандбол) июнь ойида ўтказиладиган ҳудудий саралаш босқичида ўзаро баҳслашадилар. Ушбу спорт турларининг саралаш босқичидан ўтган 8 тадан ҳамда бадминтон ва стол тенниси бўйича 14 тадан жамоалар июль-август ойларида ўзаро Республика (финал) босқичи мусобақаларида иштирок этадилар.

Мусобақаларнинг ҳудудий саралаш ҳамда Республика (финал) босқичлари вазирлик Ташкилий қўмитаси томонидан белгиланган ҳудудларда ўтказилади.

12. Мусобақаларнинг мактаб ва мактабларaро босқичлари дарсдан ажралмаган ҳолда, дарс машғулотларидан бўш вақтда ўтказилади.

## 5-боб. Мусобақаларда иштирок этиш шартлари

13. Мусобақаларнинг барча босқичларида соғлигида тиббий нуқсонлари бўлмаган, махсус тайёргарликдан ўтган ўқувчилар иштирок этадилар.

14. Мактаблараро ва туман (шаҳар) босқичларида иштирок этиш учун талабномалар мусобақалар бошланишидан камида беш кун олдин ҳудудий ташкилий қўмитага тақдим этилиши лозим.

15. Мактаблараро ва туман (шаҳар) босқичида иштирок этиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатлар расмийлаштирилади ва ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади:

а) жисмоний тарбия ўқитувчиси томонидан шакллантирилган, шифокор кўригидан соғлиги тўғрисидаги маълумотлар киритилган ва умумий ўрта таълим мактаби директори томонидан тасдиқланган рўйхат асосида тузилган талабнома;

б) мактаблараро ва туман (шаҳар) босқичида иштирок этувчи жамоа аъзолари тўғрисида (ҳар бири учун) мактаб директори то-

монидан тасдиқланган (3х4 ўлчамдаги фотосурати билан) маълумотнома;

в) мусобақа иштирокчиларининг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.

16. Мусобақанинг вилоят ва Республика (финал) босқичларида ҳакамлар ҳайъати мандат комиссиясига ҳудудий халқ таълими ҳамда жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари томонидан имзоланган ва муҳрланган 2 нусхада талабнома, шунингдек, ҳар бир иштирокчининг қуйидаги ҳужжатларини тақдим этади:

а) туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси (асл нусхаси кўрсатилади);

б) соғлиғи тўғрисидаги тиббиёт муассасасининг маълумотномаси;

в) ўқиш жойидан мактаб директори томонидан тасдиқланган (3х4 ўлчамдаги фотосурати билан) маълумотнома;

г) яшаш жойидан маълумотнома.

17. Мусобақаларда иштирок этиш учун ҳужжатлар мусобақадан бир кун олдин ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади.

18. Мазкур Низомнинг 15 ва 16-бандларида келтирилган ҳужжатларни тўлиқ ёки қисман тақдим этмаган жамоалар мусобақаларга қўйилмайди.

## 6-боб. Мусобақаларни ўтказишга раҳбарлик қилиш

19. Мусобақаларга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий раҳбарлик қилади.

Мусобақаларни бевосита ташкиллаштириш ва ўтказиш Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари томонидан амалга оширилади, шунингдек, мусобақаларни ўтказувчи ташкилий қўмиталар, спорт турлари бўйича ҳакамлар мусобақаларнинг барча босқичларига раҳбарлик қиладилар.

20. Мусобақаларнинг барча босқичларини ўтказиш мажбурияти қуйидаги масъулларга юклатилади:

умумий ўрта таълим мактаби ва мактабларaро босқичларини ўтказиш – жойлардаги халқ таълими туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари, Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти туман (шаҳар) раис ўринбосарлари;

туман (шаҳар), вилоят босқичини ўтказиш Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамда вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар минтақавий бўлимлари раис ўринбосарлари;

Республика (финал) босқичини ўтказиш Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши;

мусобақаларнинг барча босқичларини ўтказишни мувофиқлаштириш Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгашидаги Республика штабига ҳамда бош ҳакамлар ҳайъатига.

## 7-боб. Мусобақалар ғолиб ва совриндорларини мукофотлаш ҳамда молиялаштириш

21. Мусобақаларни мактаб босқичида ғолиб бўлган жамоаларни эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаш Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади.

22. Мактабларaро босқичда ғолиб бўлган жамоаларни эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаш Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади.

23. Туман (шаҳар) босқичида ғолиб ва совриндор бўлган жамоаларни эсдалик совғалари, тегишли даражадаги медаль, дипломлар билан тақдирлаш Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг минтақавий бўлимлари томонидан амалга оширилади.

24. Вилоят босқичларида ғолиб ва совриндор бўлган жамоаларини эсдалик совғалари, тегишли даражадаги медаль, дипломлар билан тақдирлаш Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг минтақавий бўлимлари томонидан амалга оширилади.

25. Республика (финал) босқичида 1-3-ўринни эгаллаган жамоалар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таъсис этилган диплом, кубок, медаль ва эсдалик совғалари билан мукофотланадилар.

26. Мусобақа иштирокчилари, ғолиб ва совриндорлари ҳомийлар ҳамда манфаатдор ташкилотлар томонидан ажратилган эсдалик совғалари билан тақдирланиши мумкин.

## 8-боб. Низоли ҳолатларни ҳал этиш тартиби

27. Мусобақалар ўтиш даврида юзага келган баҳсли ҳолатлар томонларнинг ўзаро музокаралари асосида амалга оширилади.

28. Баҳсли ҳолатларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилишнинг имконияти бўлмаган тақдирда, мусобақаларни ўтказувчи ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати томонидан спорт турлари бўйича тасдиқланган мусобақа қоидалари, регламент ҳужжатлари

ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳамда мазкур Низом асосида ҳал этилади.

29. Мусобақаларни ўтказиш жараёни юзасидан шикоятлар (жамоа вакиллари томонидан) берилган ҳолларда, барча норозилик мурожатлар мусобақа тугаганидан сўнг бир соат ичида ёзма равишда бош ҳакамга тақдим этилиши шарт. Ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати уни 24 соат ичида кўриб чиқади. Кўрсатилган муддатдан сўнг ёзилган ҳар қандай шикоятлар инобатга олинмайди.

## 9-боб. Мусобақа иштирокчиларининг жавобгарлиги

30. Мусобақада иштирок этувчи ўқувчиларнинг синфи мазкур Низомда кўрсатилган синфдан юқори бўлганда, иштирокчи қалбакилаштирилган ҳужжат билан мусобақаларга жалб этилганлиги тасдиғини топса, жамоа кўрсатган натижа бекор қилиниб, ушбу жамоага умумжамоа ҳисобида охирги ўрин берилади.

31. Мусобақаларни ўтказувчи ташкилий қўмита томонидан қалбакилаштирилган ҳужжат билан иштирок этган ўқувчилар жамоасини мусобақаларга сафарбар қилган таълим муассасаси ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига маълумотнома юборилади ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган чоралар кўрилади.

32. Мусобақалар иштирокчилари, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2014 йил 6 мартдаги “Спорт иншоотлари (сузиш ҳавзаси, спорт зал) ичида шуғулланувчилар ва томошабинларнинг ўзини тутиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 56-сон буйруғи (2014 йил 4 апрель, рўйхат рақами 2571) билан тасдиқланган қоидаларга риоя қилишлари шарт.

## 10-боб. Якуний қоида

33. Мазкур Низомга халқ таълими вазири томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

*Халқ таълими вазирининг 2017 йил 8 августдаги*
*253-сонли буйруғига*
*2-илова*

**Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари учун “Болажонлар спорт жамоалари” ҳамда юқори синф ўқувчилари ўртасида “Ёшлик спорт жамоалари” спорт мусобақалари босқичларини тизимли ташкил этиш ва ўтказиш бўйича вазирлик Ташкилий қўмитаси таркиби**

| Т/р | Ф.И.Ш. | Лавозими |
|---|---|---|
| 1. | А.Саъдуллаев | Халқ таълими вазири ўринбосари, раис |
| 2. | А.Алимов | Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи, раис ўринбосари |
| 3. | Д.Кенжаев | Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш Бош бошқармаси бошлиғи, аъзо |
| 4. | Т.Тойиров | Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти раисининг биринчи ўринбосари, аъзо |
| 5. | М.Карабаев | Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, масъул котиб |

***Изоҳ:*** *Вазирлик Ташкилий қўмита таркибига кирувчи шахслар бошқа ишга ўтгат тақдирда қўмита таркибига тегишли лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2017 йил 10 август* *255-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ 9 АВГУСТДАГИ “ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИКА ЙЎНАЛИШИДА МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ПҚ-3183-СОН ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3183-сон қарори ижросини таъминлаш ва жойларда ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжларни қондириш, туманлар ва қишлоқ жойларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда таълим сифатини янада кўтариш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3183-сон қарори (бундан буён матнда қарор деб юритилади) ижро учун қабул қилинсин.

2. Қарор билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича вазирликнинг ишчи гуруҳи (бундан буён матнда ишчи гуруҳ деб юритилади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ (С.Турғунов)га:

10 кун муддатда 2017-2018 ўқув йили учун олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимига 1-курсга талабаларни қабул қилиш тартиби ва мезонлари юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига киритиш учун таклиф тайёрлаш;

Вазирлик тизимидаги давлат педагогика институтларида махсус сиртқи бўлимлар ташкил этилган таълим йўналишларининг ўқув режаси ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва фанларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш чораларини кўриш;

Вазирлик тизимидаги давлат педагогика институтларида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш ва уларга абитуриентларни ўқишга

қабул қилиш ишларини мувофиқлаштириш вазифалари топширилсин.

4. Вазирлик тизимидаги давлат педагогика институтлари ректорларига:

махсус сиртқи бўлимларда дарс бериш учун юқори салоҳиятга эга профессор-ўқитувчиларни жалб этиш чораларини кўриш;

махсус сиртқи бўлимларни босқичма-босқич таълим йўналишлари ўқув режаларига мувофиқ фанлардан ўқув адабиётлари ва илмий-методик қўлланмалар билан таъминлаш чораларини кўриш;

тасдиқланган штатлар жадвали ва харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва уларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш;

махсус сиртқи бўлимда ўқув жараёнини ташкил этиш учун факультет декани мақомидаги бўлим бошлиғини тайинлаш;

махсус сиртқи бўлимда ўқишга тавсия этилган талабаларни ўрнатилган тартибда ўқишга қабул қилиш ва дарс жараёнларини юқори савияда ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

педагогика соҳасининг долзарб илмий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган илмий изланишлар, жумладан фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар бўйича Низомий номида ташкил этилган Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи Кенгашга таклифлар киритиб бориш;

махсус сиртқи бўлимларда фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, жумладан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

5. Матбуот котиби (Б.Шайвалиев)га олий таълим муассасаларида махсус сиртқи бўлимларнинг ташкил этилиши ва уларга абитуриентларни ўқишга қабул қилиш тартиби билан боғлиқ масалаларни оммавий ахборот воситалари ҳамда вазирликнинг www.uzedu.uz расмий веб-сайтида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Д.Кенжаев) Бош юрисконсульт (С.Миразимов) билан биргаликда жорий йилнинг 10 сентябрь кунига қадар қонун ҳужжатларига Қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун таклифлар тайёрласин ҳамда вазирлик томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Қарорга мувофиқлаштириш чораларини кўриш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **У. Иноятов**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2017 йил 14 август* *264-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ СИФАТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги "Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 610-сон қарори ижросини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларига ўқитиш сифатини ошириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Рсспубликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги "Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 610-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин ҳамда барча халқ таълими бошқаруви идоралари ва таълим муассасаларига юборилсин.

2. Таълим муассасаларида ўқув-методик жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров) ва Республика таълим маркази (И.Зокиров) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан ҳамкорликда:

умумий ўрта таълим муассасаларида чет тилини ўзлаштириш даражасини давлат таълим стандартларида белгиланган "Тинглаб тушуниш" (Listening), "Ўқиш" (Reading), "Ёзиш" (Writing), "Гапириш" (Speaking) кўникмалари асосида баҳолаб бориш механизмини ишлаб чиқиш ва 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб тажриба-синов тариқасида амалиётга жорий этиш;

2018 йил 1 январдан бошлаб чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги давлат намунасидаги малака сертификатига эга бўлган ўқувчи, талаба ва ўқитувчилар учун етакчи хорижий таълим муассасаларида тил ўрганиш амалиётларини ташкил этиш;

2018 йил 1 сентябрга қадар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

маркази билан ҳамкорликда чет тилларини ўзлаштиришнинг асосий босқичи умумтаълим мактаблари ва академик лицейларда таъминланишини назарда тутган ҳолда таълимнинг барча босқичларида ўзаро узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига амал қилган ҳолда чет тили фанидан ўқув дастурларини такомиллаштириш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

3. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Д.Кенжаев) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда 2017 йилнипг 1 октябридан бошлаб:

вазирлик тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг чет тили кафедралари базасида профессор-ўқитувчилар учун дарсдан ташқари вақтда мутахассислик фанларини чет тилида ўқитиш бўйича хизмат кўрсатадиган курслар ташкил этиш;

тил ўрганишни хоҳловчи талабалар учун олий таълим муассасаларида мулоқот даражасида тил ўргатиш бўйича интенсив (1-2 ойлик) курслар очиш, мутахассислик ва соҳалар бўйича атамалар луғатларини яратиш, хорижий тилларда турли танловлар ўтказиш, чет эллик етакчи мутахассисларни ўқув жараёнига жалб этиб, мутахассислик фанлари бўйича чет тилларида маърузалар ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда мутахассислик фанларидан чет тилида дарс берадиган, чет тилини билиш даражаси тўғрисида давлат намунасидаги В2 ва ундан юқори даражадаги малака сертификатига эга бўлган педагогларнинг иш ҳақларига 100 фоизгача устамалар белгилаш тартибини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш чораларини кўрсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари:

чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги давлат намунасидаги А2 ва ундан юқори даражадаги малака сертификатига эга бўлган умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларига ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг саралаш тест синовлари рўйхатига чет тили (инглиз, немис, француз) фани киритилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига киришда чет тили фанидан белгиланган максимал балл бериш ва уларни чет тили фанидан тест синовидан озод этиш;

чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги давлат намунасидаги В1 ва ундан юқори даражадаги малака сертификатига эга бўлган абитуриентларга олий таълим муассасалари бакалавриатининг кириш тест синовлари мажмуасига чет тили (инглиз, немис, француз)

фани киритилган йўналишларда чет тили фанидан белгиланган максимал балл бериш ва уларни чет тили фанидан тест синовидан озод этиш;

чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги давлат иамунасидаги В2 ва ундан юқори даражадаги малака сертификатига эга бўлган абитуриентларга олий таълим муассасалари магистратурасининг кириш тест синовлари мажмуасига чет тили (инглиз, немис, француз) фани киритилган йўналишларда чет тили фанидан белгиланган максимал балл бериш ва уларни чет тили фанидан тест синовидан озод этиш;

чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги давлат намунасидаги В2 ва ундан юқори даражадаги малака сертификатига эга бўлган умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагогларини аттестация жараёнида малака синови учун белгиланган максимал балл билан баҳолаш ва синовдан озод этиш имтиёзлари берилганлиги ҳақида ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб борсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан ҳамкорликда чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги давлат намунасидаги сертификат олиш истагини билдирган халқ таълими тизими ўқитувчилари ва ўқувчилар учун талаб ҳажмидан келиб чиққан ҳолда тизимли равишда ҳудудларда тест синовларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

5. Вазирликнинг Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев)га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан тизимда амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш вазифаси юклатилсин.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари С.Турғунов ва вазир ўринбосари А.Саъдуллаев зиммаларига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2017 йил 16 август* *267-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ 2017 ЙИЛ 14 АВГУСТДАГИ 625-СОН ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 августдаги “Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 625-сон қарори ижросини таъминлаш, ёшларнинг ахборотга бўлган талабларини қондириш, вояга етмаганлар ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ахборот-мафкуравий таҳдидларга иммунитетни шакллантириш, бой миллий тарихий-маданий мерос ва маънавий қадриятларни сингдириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 августдаги “Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 625-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2017-2019 йилларда Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий қонтентни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (А.Хундибаев), “ZiyoNET” Ресурс Марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими (Б.Сулаймонов), Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (К.Гафуров)га:

Интернет тармоғининг миллий сегментида ўсиб келаётган авлоднинг маънавий-ахлоқий ва маданий-таълимий даражасини юксалтиришга қаратилган асосий йўналишларни таҳлил қилиш;

таҳлил натижаларига мувофиқ миллий контентни яратиш ва ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ахборот техно-

логиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига таклифлар киритиш вазифалари юклатилсин.

4. Матбуот котиби (Б.Шайвалиев)га халқ таълими тизимига оид миллий контентни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни, эришилган натижаларни, шунингдек, долзарб ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборот маҳсулотларини оммалаштириш масалаларини оммавий ахборот воситалари ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайти (www.uzedu.uz)да кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари С.Турғунов, вазир ўринбосари А.Саъдуллаевлар зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг 2017 йил 16 августдаги 267-сонли буйруғига илова*

**Халқ таълими вазирлигининг 2017-2019 йилларда Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни ривожлантириш бўйича Комплекс дастури**

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Халқ таълими вазирлигидан масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 1 (7) | Ўқувчиларнинг миллий веб-ресурсларни яратиш бўйича устувор лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш | Савдо-саноат палатаси томонидан ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар режасига таклифлар киритилади | Ҳар йили | Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)ни жорий этиш бўлими (А.Хундибаев) |
| 2 (16) | Вазирлик фаолиятининг шаффофлигини, ошкоралигини таъминлаш унинг ички ва ташқи сиёсатини тезкор тушунтириш учун матбуот хизматининг самарадорлигини ошириш | Вазирлик матбуот хизматининг фаолиятини такомиллаштириш чоралари кўрилади | Доимий | Матбуот котиби (Б.Шайвалиев) |
| 3 (19) | Ёшлар ахборот агентлигини ташкил этиш бўйича таклиф тайёрлаш ва Интернет тармоғи орқали ёшларнинг мафкуравий ишларини такомиллаштириш ҳамда ёшлар ҳаётида ижтимоий аҳамиятга эга янгиликларни ёритиб бориш | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда тегишли таклифлар ишлаб чиқилади | 2017 йил декабрь | Матбуот котиби (Б.Шайвалиев), Маънавий-ахлоқий тарбия ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ҳ.Даминов) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 4 (29) | Миллий ва хорижий ижтимоий тармоқларда халқ таълими вазирлигининг расмий саҳифасини ташкил этиш ҳамда тизимда амалга оширилаётган ишларни ёритиб бориш | Миллий ва хорижий ижтимоий тармоқларда вазирликнинг расмий саҳифасини очиш чоралари кўрилади | 2017 йил сентябрь | Матбуот котиби (Б.Шайвалиев) |
| 5 (34) | Жаҳон ахборот тармоғида юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларнинг ва ижтимоий тармоқлардаги турли ҳаракатларнинг олдини олиш ҳамда Интернет маданияти ривожланишига бағишланган веб-ресурс ва саҳифаларни яратиш | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар режасига таклифлар киритилади | 2018 йил февраль | Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (МУДРМ) (К.Гафуров), АКТни жорий этиш бўлими (А.Хундибаев) |
| 6 (37) | Электрон академия портали ( www.e-academv.uz) орқали сифатли онлайн курслар ташкил этишда, уни ривожлантириш ва оммалаштиришда ҳамкорлик қилиш | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар режасига таклифлар киритилади | 2017 йил сентябрь | МУДРМ (К.Гафуров), АКТни жорий этиш бўлими (А.Хундибаев) |
| 7 (39) | Халқ таълими вазирлигининг ахборот таълим портали (www.eduportal.uz)ни сифатли ахборот таълим ресурслари билан бойитиб бориш ва уни бошқа порталларга интеграция қилиш чораларини кўриш | Вазирликнинг ахборот таълим портали (www.edunortal.uz)ни сифатли ахборот таълим ресурслари билан бойитиш ва бошқа порталларга интеграция қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади | 2017 йил октябрь | МУДРМ (К.Гафуров), АКТни жорий этиш бўлими (А.Хундибаев) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 8 (40) | “ZiyoNET” таълим ахборот тармоғи ресурс марказининг ташкилий тузилмасини қайта кўриб чиқиб, “ZiyoNET” таълим ахборот тармоғини янада ривожлантириш чораларини кўриш | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан тайёрланадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг лойиҳасига таклифлар киритилади | 2017 йил ноябрь | “ZiyoNET” Ресурс Марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими (Б.Сулаймонов) |
| 9 (42) | Таълим жараёнида педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш мақсадида ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида турли олимпиада ва танловларни ташкил этиш | Ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида турли олимпиада ҳамда танловлар ташкил этилади | 2017-2019 йиллар давомида | Вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлимлари |

**Асос:** *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 августдаги “Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 625-сон қарори.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2017 йил 16 август* *270-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## ЖИСМОНИЙ ЁКИ ПСИХИК РИВОЖЛАНИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН ҲАМДА УЗОҚ ВАҚТ ДАВОЛАНИШГА МУҲТОЖ БОЛАЛАРНИНГ УЙДА ЯККА ТАРТИБДА ТАЪЛИМ ОЛИШИ УЧУН 2017-2018 ЎҚУВ ЙИЛИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎҚУВ РЕЖАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 июлдаги 803-Ф-сонли Фармойиши, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг 2015 йил 10 июндаги “Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 15-мҳ-, 30-сонли қарори (рўйхат рақами 2691, 2015 йил 30 июнь), Халқ таълими вазирининг 2017 йил 16 майдаги “Умумий ўрта таълим мактаблари учун 2017-2018 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режани тасдиқлаш тўғрисида”ги 165-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

## БУЮРАМАН:

1. Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олиши учун 2017-2018 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режалари (бундан буён матнда ўқув режалар деб юритилади) 1-4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига:

бир ҳафта муддатда мазкур буйруқни барча турдаги мактаб ва мактаб- интернатларга етказиш;

уйда якка тартибдаги таълим жараёнини мазкур буйруқнинг иловасига мувофиқ тасдиқланган ўқув режалари ва тушунтириш хатлари асосида ташкил этилишини ва уларнинг тўлиқ бажарилишини назорат килиш вазифалари юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 28 августдаги “Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олиши учун 2015-2016 ўқув йилига мўлжалланган ўкув режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 244-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А.Саъдуллаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг*
*2017 йил 16 августдаги 270-сонли буйруғига*
*1 -илова*

## Узоқ вақт даволанишга муҳтож ўқувчиларнинг уйда якка тартибда таълим олиш учун ўқув режа

| Т/р | Ўқув фанлари | Синфлар | | | | | | | | | Умумий соатлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | |
| 1. | Ўзбек тили (Рус тили) | | 0,5 | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | **7** |
| 2. | Она тили ва адабиёт | 4 | 4 | 4 | 4 | 4 | 4 | 3,5 | 3 | 3 | **33,5** |
| 3. | Хорижий тил | | | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **2,5** |
| 4. | Тарих | | | | | 1 | 0,5 | 1 | 1 | 1 | **4,5** |
| 5. | Давлат ва ҳуқуқ асослари | | | | | | | | 0,5 | 0,5 | **1** |
| 6. | Иқтисодий билим асослари | | | | | | | | 0,5 | 0,5 | **1** |
| 7. | Математика | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 1 | 1,5 | **16,5** |
| 8. | Физика | | | | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **2** |
| 9. | Кимё | | | | | | | | 0,5 | 0,5 | **1** |
| 10. | Биология | | | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **2,5** |
| 11. | Табиийт ва география | 1 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **5** |
| 12. | Чизмачилик | | | | | | | 0,5 | 0,5 | | **1** |
| 13. | Тасвирий санъат | 1 | 1 | 1 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | | | | **4,5** |
| **Умумий соатлар** | | **8** | **8** | **8** | **8** | **10** | **10** | **10** | **10** | **10** | **82** |

# Узоқ вақт даволанишга муҳтож ўқувчиларнинг (10-11-синф) уйда якка тартибда таълим олиши учун ўқув режа

| т/р | Ўқув фанлари | 10-синф | | 11-синф | | Умумий соатлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ҳафталик соат ҳажми | Йиллик соат ҳажми | Ҳафталик соат ҳажми | Йиллик соат ҳажми | |
| 1 | Она тили ва адабиёт | **2** | **68** | **2** | **68** | **136** |
| | Она тили | 1 | 34 | 1 | 34 | **68** |
| | Адабиёт | 1 | 34 | 1 | 34 | **68** |
| 2 | Ўзбек тили (рус тили) | 1 | 34 | 1 | 34 | **68** |
| 3 | Хорижий тил | **1,5** | **51** | **1,5** | **51** | **102** |
| 4 | Тарих: | **2** | **68** | **2** | **68** | **136** |
| | Ўзбекистон тарихи | 1 | 34 | 1 | 34 | **68** |
| | Дунё динлар тарихи | 1 | 34 | 1 | 34 | **68** |
| 5 | Математика | **1,5** | **51** | **1,5** | **51** | **102** |
| | Алгебра | 1 | 34 | 1 | 34 | **68** |
| | Геомегрия | **0,5** | **17** | **0,5** | **17** | **34** |
| 6 | Физика | **0,5** | **17** | **0,5** | **17** | **34** |
| 7 | Кимё | **0,5** | **17** | **0,5** | **17** | **34** |
| 8 | Биология | **0,5** | **17** | **0,5** | **17** | **34** |
| 9 | Г еография | **0,5** | **17** | **0,5** | **17** | **34** |
| 10 | Маънавият ва ҳуқуқ асослари: | **1** | **34** | **1** | **34** | **68** |
| | Маънавият асослари | 0,5 | 17 | 0,5 | 17 | **34** |
| | Давлат ва ҳуқуқ асослари | 0,5 | 17 | 0,5 | 17 | **34** |
| 11 | Технология | **1** | **34** | **1** | **34** | **68** |
| **Умумий соатлар** | | **12** | **408** | **12** | **408** | **816** |

## Узоқ вақт даволанишга муҳтож ўқувчиларнинг уйда якка тартибда таълим олиши учун ўқув режасига ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Ушбу ўқув режа Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли, 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарорлари ҳамда Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирларининг 2015 йил 10 июндаги “Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 15-мҳ-, 30-сонли қарори асосида тузилган.

Ўқув режага киритилган фанлар Давлат таълим стандартлари асосида тузилган ўқув дастурларига биноан ўқитилади.

1. Ўқув режага асосан дарс жадвали ўқувчининг соғлиғи ҳолатини инобатга олиб, ота-оналар билан келишган ҳолда ҳафтасига камида уч кунга мослаб тузилади ҳамда мактаб директори томонидан тасдиқланади.

2. Ўқувчининг қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиб, ота-оналарнинг аризасига мувофиқ ўқув режада кўрсатилган фанларни умумий соатлар миқдоридан ошмаган ҳолда 1 соатга ўзгартиришга йўл қўйилади. Бундай ўзгартириш мактаб директорининг буйруғига мувофиқ ўқув режадаги битта фанни бошқа бир фан билан алмаштириш ҳисобига амалга оширилади.

3. Таълим муассасаларининг педагогик кенгаш қарорига асосан ўқувчиларнинг ташхиси ҳамда жисмоний имкониятларини инобатга олган ҳолда ўқув дастурларига 15% гача ўзгартириш киритиш мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда қуйидаги муддатларга амал қилинади:

ўқув йилининг давомийлиги – 34 ҳафта;

дарс машғулотининг давомийлиги – 45 дақиқа;

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида байрам (ишлан-

майдиган) куни деб белгиланган кунларда дарс машғулотлари ўтказилмайди.

Байрам (ишланмайдиган) кунларига тўғри келиб қолган дарс машғулотларининг мавзулари ўқув дастурларини ихчамлаштирган ҳолда кейинги дарс машғулотларида ўтказилади.

Ўқув йили давомидаги таътилларнинг муддатлари қуйидагича белгиланади:

кузги таътил – 4 ноябрдан бошлаб 6 календарь кун;

қишки таътил – 28 декабрдан бошлаб 14 календарь кун;

баҳорги таътил – 21 мартдан бошлаб 7 календарь кун;

ёзги таътил – охирги босқичли назорат синови ўтказилган кундан (босқичли назорат ўтказилмайдиган синфлар учун ўқув йили тугаган кундан кейинги кундан) бошлаб 1 сентябргача.

Таътилнинг охирги куни байрам (ишланмайдиган) кунга тўғри келиб қолган тақдирда, дарс машғулотлари кейинги иш кунидан бошлаб давом эттирилади.

5. Мазкур таянч ўқув режа ва тушунтириш хати асосида ҳар бир умумий ўрта таълим муассасаси 2017-2018 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режа ва тушунтириш хат ишлаб чиқади ва август ойидаги педагогик кенгашнинг қарори билан тасдиқлайди.

*Халқ таълими вазирининг*
*2017 йил 16 августдаги*
*270-сонли буйруғига 2-илова*

## Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи ўқувчиларнинг уйда якка тартибда таълим олиши учун ўқув режа

| т/р | Ўқув фанлари | Синфлар | | | | | | | | | | Умумий соатлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | |
| 1. | Ўзбек тили (Рус тили) | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **4,5** |
| 2. | Она тили ва адабиёт | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 2 | 2 | **28** |
| 3. | Тарих | | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | **6** |
| 4. | Давлат ва хуқуқ асослари | | | | | | | | | 0,5 | 0,5 | **1** |
| 5. | Иқтисодий билим асослари | | | | | | | | | 0,5 | 0,5 | **1** |
| 6. | Математика | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | **20** |
| 7. | Физика | | | | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 1 | 1 | **3,5** |
| 8. | Кимё | | | | | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **2** |
| 9. | Биология | | | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **3** |
| 10. | Табиийт ва география | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **5** |
| 11. | Меҳнат таълими | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **5** |
| 12. | Предмет тасаввурини шакллантириш ва кўрув идрокини ривожлантириш | 1 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | | | | | **3,5** |
| 13. | Ижтимоий маиший йўналиш | | | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **3** |
| 14. | Майда кўл моторикаси ва тери туюшни ривожлантириш | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | | | | | | **2,5** |
| 15. | Мўлжал олиш ва ҳаракатланиш | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | | | **4** |
| | **Умумий соатлар** | **8** | **8** | **8** | **8** | **10** | **10** | **10** | **10** | **10** | **10** | **92** |

## Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи ўқувчиларнинг (10-11-синфлар) уйда якка тартибда таълим олиши учун ўқув режа

| т/р | Ўқув фанлари | 10-синф | | 11-синф | | Умумий соатлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | хафта-лик соат ҳажми | Йиллик соат ҳажми | Ҳафталик соат ҳажми | Йиллик соат ҳажми | |
| 1 | Она тили ва адабиёт | 2 | 68 | 2 | 68 | **136** |
| | Она тили | 1 | 34 | 1 | 34 | **68** |
| | Адабиёт | 1 | 34 | 1 | 34 | **68** |
| 2 | Ўзбек тили (рус тили) | 0,5 | 17 | 0,5 | 17 | **34** |
| 3 | Хорижий тил | 1 | 34 | 1 | 34 | **68** |
| 4 | Тарих: | 1,5 | 51 | 1,5 | 51 | **102** |
| | Ўзбекистон тарихи | 1 | 34 | 1 | 34 | **68** |
| | Дунё динлар тарихи | 0,5 | 17 | 0,5 | 17 | **34** |
| 5 | Математика | 2 | 68 | 2 | 68 | **136** |
| | Алгебра | 1 | 34 | 1 | 34 | **68** |
| | Геометрия | 1 | 34 | 1 | 34 | **68** |
| 6 | Физика | 0,5 | 17 | 0,5 | 17 | **34** |
| 7 | Кимё | 0,5 | 17 | 0,5 | 17 | **34** |
| 8 | Биология | 0,5 | 17 | 0,5 | 17 | **34** |
| 9 | География | 0,5 | 17 | 0,5 | 17 | **34** |
| 10 | Маънавият ва ҳуқуқ асослари: | 1 | 34 | 1 | 34 | **68** |
| | Маънавият асослари | 0,5 | 17 | 0,5 | 17 | **34** |
| | Давлат ва ҳуқуқ асослари | 0,5 | 17 | 0,5 | 17 | **34** |
| 11 | Технология | 1 | 34 | 1 | 34 | **68** |
| 12 | Ижтимоий маиший ҳаётга йўналтириш | 1 | 34 | 1 | 34 | **68** |
| | **Умумий соатлар** | **12** | **408** | **12** | **408** | **816** |

## Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи ўқувчиларнинг уйда якка тартибда таълим олиши учун ўқув режасига ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Ушбу ўқув режа Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий муҳофаза килиш тўғрисида"ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиклаш ҳақида"ги 140-сонли, 2017 йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 187-сонли қарорлари ҳамда Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирларининг 2015 йил 10 июндаги "Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 15-мҳ-, 30-сонли қарори асосида тузилган.

Ўқув режага киритилган фанлар Давлат таълим стандартлари асосида тузилган ўқув дастурларига биноан ўқитилади.

1. Ўқув режага асосан дарс жадвали ўқувчининг соғлиғи ҳолатини инобатга олиб, ота-оналар билан келишган ҳолда ҳафтасига камида уч кунга мослаб тузилади ҳамда мактаб директори томонидан тасдиқланади.

2. Ўқувчининг қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиб, ота-оналарнинг аризасига мувофиқ ўқув режада кўрсатилган фанларни умумий соатлар миқдоридан ошмаган ҳолда 1 соатга ўзгартиришга йўл қўйилади. Бундай ўзгартириш мактаб директорининг буйруғига мувофиқ ўқув режадаги битта фанни бошқа бир фан билан алмаштириш ҳисобига амалга оширилади.

3. Таълим муассасаларининг педагогик кенгаш қарорига асосан ўқувчиларнинг ташхиси ҳамда жисмоний имкониятларини инобатга олган ҳолда ўқув дастурларига 15% гача ўзгартириш киритиш мумкин.

4. "Ижтимоий маиший ҳаётга йўналтириш" коррекцион машғулотлари шу номдаги махсус ўқув дастурлар асосида ташкил этилади. Улар кўзи соғлом дефектолог ёки тифлопедагог ўқитувчилар томонидан олиб борилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда қуйидаги муддатларга амал қилинади:

ўқув ишининг давомийлиги – 34 ҳафта;

дарс машғулотининг давомийлиги – 45 дақиқа;

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжагларида байрам (ишланмайдиган) куни деб белгиланган кунларда дарс машғулотлари ўтказилмайди.

Байрам (ишланмайдиган) кунларига тўғри келиб қолган дарс машғулотларининг мавзулари ўқув дастурларини ихчамлаштирган ҳолда кейинги дарс машғулотларида ўтказилади.

Ўқув йили давомидаги таътилларнинг муддатлари қуйидагича белгиланади:

кузги таътил – 4 ноябрдан бошлаб 6 календарь кун;

қишки таътил – 28 декабрдан бошлаб 14 календарь кун;

баҳорги таътил – 21 мартдан бошлаб 7 календарь кун;

ёзги таътил – охирги босқичли назорат синови ўтказилган кундан (босқичли назорат ўтказилмайдиган синфлар учун ўқув йили тугаган кундан кейинги кундан) бошлаб 1 сентябргача.

Таътилнинг охирги куни байрам (ишланмайдиган) кунга тўғри келиб қолган тақдирда, дарс машғулотлари кейинги иш кунидан бошлаб давом эттирилади.

6. Мазкур таянч ўқув режа ва тушунтириш хати асосида ҳар бир умумий ўрта таълим муассасаси 2017-2018 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режа ва тушунтириш хатини ишлаб чиқади ва август ойидаги педагогик кенгашининг қарори билан тасдиқлайди.

*Халқ таълими вазирининг*
*2017 йил 16 августдаги 270-сонли буйруғига*
*3-илова*

## Эшитиш қобилиятида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг уйда якка тартибда таълим олиши учун ўқув режа

| т/р | Ўқув фанлари | Синфлар | | | | | | | | | | Умумий соат |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** | **7** | **8** | **9** | **10** | |
| 1. | Ўзбек тили (Рус тили) | | | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **3** |
| 2. | Она тили ва адабиёт | 3,5 | 3,5 | 3,5 | 3,5 | 3,5 | 4 | 4 | 3,5 | 3 | 0,5 | **35** |
| 3. | Тарих | | | | | | 1 | 1 | 1 | 0,5 | 0,5 | **4** |
| 4. | Давлат ва хуқуқ асослари | | | | | | | | | 0,5 | 0,5 | **1** |
| 5. | Иқтисодий билим асослари | | | | | | | | | 0,5 | 0,5 | **1** |
| 6. | Математика | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | **20** |
| 7. | Физика | | | | | | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **1,5** |
| 8. | Кимё | | | | | | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **1,5** |
| 9. | Биология | | | | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **2,5** |
| 10. | Табиат ва география | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0.5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **5** |
| 11. | Меҳнат таълим | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **5** |
| 12. | Тасвирий санъат | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | | | | **3,5** |
| 13. | Эшитиш қобилиятини ўстириш ва талаффузга ўргатиш | 1 | 1 | 1 | 1 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0.5 | 0,5 | **7** |
| | **Умумий соатлар** | **8** | **8** | **8** | **8** | **8** | **10** | **10** | **10** | **10** | **10** | **90** |

## Эшитиш қобилиятида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг (11-12-синфлар) уйда якка тартибда таълим олиши учун ўқув режа

| т/р | Ўқув фанлари | 11-синф | | 12-синф | | Умумий соатлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ҳафталик соат ҳажми | Йиллик соат ҳажми | Ҳафталик соат ҳажми | Йиллик соат ҳажми | |
| 1 | Она тили ва адабиёт | **2,5** | **85** | **2,5** | **85** | **170** |
| | Она тили | 1,5 | 51 | 1,5 | 51 | 102 |
| | Адабиёт | 1 | 34 | 1 | 34 | 68 |
| 2 | Ўзбек тили (рус тили) | 0,5 | 17 | 0,5 | 17 | 34 |
| 3 | Тарих: | **2** | **68** | **2** | **68** | **136** |
| | Ўзбекистон тарихи | 1 | 34 | 1 | 34 | 68 |
| | Дунё динлар тарихи | 1 | 34 | 1 | 34 | 68 |
| 4 | Математика | **2** | **68** | **2** | **68** | **136** |
| | Алгебра | 1 | 34 | 1 | 34 | 68 |
| | Геометрия | 1 | 34 | 1 | 34 | 68 |
| 5 | Физика | **0,5** | **17** | **0,5** | **17** | **34** |
| 6 | Кимё | **0,5** | **17** | **0,5** | **17** | **34** |
| 7 | Биология | **0,5** | **17** | **0,5** | **17** | **34** |
| 8 | География | **0,5** | **17** | **0,5** | **17** | **34** |
| 9 | Маънавият ва ҳуқуқ асослари: | **1** | **34** | **1** | **34** | **68** |
| | Маънавият асослари | 0,5 | 17 | 0,5 | 17 | 34 |
| | Давлат ва ҳуқуқ асослари | 0,5 | 17 | 0,5 | 17 | 34 |
| 10 | Технология | **1** | **34** | **1** | **34** | **68** |
| 11 | Эшитиш идроки ва талаффузни ривожлантириш якка машғулот | **1** | **34** | **1** | **34** | **68** |
| | Умумий соатлар | **12** | **408** | **12** | **408** | **816** |

**Эшитиш қобилиятида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг уйда якка тартибда таълим олиши учун ўқув режасига**
**ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

Ушбу ўқув режа Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сонли, 2017 йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 187-сонли қарорлари ҳамда Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирларининг 2015 йил 10 июндаги "Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 15-мҳ-, 30-сонли қарори асосида тузилган.

Ўқув режага киритилган фанлар (6-10-синфларда) умумтаълим мактабининг 5-9-синф ўқув дастурларидан мослаштирилган ҳолда ўқитилади.

1. Ўқув режага асосан дарс жадвали ўқувчининг соғлиги ҳолатини инобатга олиб, ота-оналар билан келишган ҳолда ҳафтасига камида уч кунга мослаб тузилади ҳамда мактаб директори томонидан тасдиқланади.

2. Ўқувчининг қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиб, ота-оналарнинг аризасига мувофиқ ўқув режада кўрсатилган фанларни умумий соатлар миқдоридан ошмаган ҳолда 1 соатга ўзгартиришга йўл қўйилади. Бундай ўзгартириш мактаб директорининг буйруғига мувофиқ ўқув режадаги битта фанни бошқа бир фан билан алмаштириш ҳисобига амалга оширилади.

3. Таълим муассасаларининг педагогик кенгаш қарорига асосан ўқувчиларнинг ташхиси ҳамда жисмоний имкониятларини инобатга олган ҳолда ўқув дастурларига 15% гача ўзгартириш киритиш мумкин.

4. "Меҳнат таълими" ўқув фани 11-12-синфларда ҳам "Предметли амалий таълим" ўқув дастуридан фойдаланган ҳолда ташкил этилади.

5. "Эшитиш қобилиятини ўстириш ва талаффузга ўргатиш" коррекцион машғулоти шу номдаги махсус ўқув дастури асосида ташкил этилади. Машғулотлар сурдопедагог, дефектолог (бакалавр)

мутахассислар ёки сурдопедагогика йўналиши бўйича қайта тайёрловдан ўтган олигофренопедагоглар томонидан олиб боради.

6. Ўқувчиларни имконияти чекланганлигини инобатга олиб, ҳар бир дарс давомийлиги 45 дақиқа, психик ривожланишида нуқсони бўлган кар ва заиф эшитувчи ўқувчилар учун дарслар 40 дақиқани ташкил этади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда қуйидаги муддатларга амал қилинади: ўқув йилининг давомийлиги – 34 ҳафта;

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида байрам (ишланмайдиган) куни деб белгиланган кунларда дарс машғулотлари ўтказилмайди.

Байрам (ишланмайдиган) кунларига тўғри келиб қолган дарс машғулотларининг мавзулари ўқув дастурларини ихчамлаштирган ҳолда кейинги дарс машғулотларида ўтказилади.

Ўқув йили давомидаги таътилларнинг муддатлари қуйидагича белгиланади:

кузги таътил – 4 ноябрдан бошлаб 6 календарь кун;

қишки таътил – 28 декабрдан бошлаб 14 календарь кун;

баҳорги таътил – 21 мартдан бошлаб 7 календарь кун;

ёзги таътил – охирги босқичли назорат синови ўтказилган кундан (босқичли назорат ўтказилмайдиган синфлар учун ўқув йили тугаган кундан кейинги кундан) бошлаб 1 сентябргача.

Таътилнинг охирги куни байрам (ишланмайдиган) кунга тўғри келиб қолган тақдирда, дарс машғулотлари кейинги иш кунидан бошлаб давом эттирилади.

8. Мазкур таянч ўқув режа ва тушунтириш хати асосида ҳар бир умумий ўрта таълим муассасаси 2017-2018 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режа ва тушунтириш хатини ишлаб чиқади ва август ойидаги педагогик кенгашнинг қарори билан тасдиқлайди.

*Халқ таълими вазирининг
2017 йил 16 августдаги
270-сонли буйруғига 4-илова*

## Ақлий ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг уйда якка тартибда таълим олиши учун ўқув режа

| т/р | Ўқув фанлари | Синфлар | | | | | | | | | Умумий соатлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** | **7** | **8** | **9** | |
| 1. | Ўзбек тили (Рус тили) | | | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | **2,5** |
| 2. | Она тили, ўқиш ва нутқ ўстириш | 4 | 4 | 4 | 4 | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | **31** |
| 3. | Математика | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | **18** |
| 4. | Тарих | | | | | | | 0,5 | 0,5 | | **1** |
| 5. | Табиёт, география | | | | | | | 1 | 1 | | **2** |
| 6. | Меҳнат | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1,5 | **7,5** |
| 7. | Тасвирий санъат | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | | | | **3** |
| 8. | Ижтимоий маиший ҳаётга йўналтириш | | | | | 1,5 | 1,5 | 1 | 1 | 2 | **7** |
| 9. | Логопедия машғулоти | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | | | | **3** |
| 10. | Даволовчи жисмоний тарбия ва соғломлаштириш | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | **7** |
| **Умумий соатлар** | | **8** | **8** | **8** | **8** | **10** | **10** | **10** | **10** | **10** | **82** |

## Ақлий ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг (10-11-синфлар) уйда якка тартибда таълим олиши учун ўқув режа

| т/р | Ўқув фанлари | 10-синф | |
|---|---|---|---|
| | | **Ҳафталик соат ҳажми** | **Йиллик соат ҳажми** |
| 1 | Она тили | 4 | 136 |
| | Она тили | **2** | **68** |
| | Ўқиш | **1** | **34** |
| | Нутқ ўстириш | **1** | **34** |
| 2 | Тарих: | 1 | 34 |
| | Ўзбекистон тарихи | **0,5** | **17** |
| | Дунё динлар тарихи | **0,5** | **17** |
| 3 | Математика | 2 | 68 |
| 4 | Технология | 2 | 68 |
| 5 | Ижтимоий маиший ҳаётга йўналтириш | 3 | 102 |
| **Умумий соатлар** | | **12** | **408** |

## Ақлий ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг уйда икка тартибда таълим олиши учун ўқув режасига ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Ушбу ўқув режа Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги, "Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сонли, 2017 йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 187-сонли қарорлари ҳамда Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирларининг 2015 йил 10 июндаги "Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 15-мҳ-, 30-сонли қарори асосида тузилган.

Ўқув режага киритилган фанлар ёрдамчи мактаб ўқув дастурларидан ҳар бир ўқувчи имкониятларига мослаштирилган ҳолда ўқитилади.

1. Ўқув режага асосан дарс жадвали ўқувчининг соғлиғи ҳолатини инобатга олиб, ота-оналар билан келишган ҳолда ҳафтасига камида уч кунга мослаб тузилади ҳамда мактаб директори томонидан тасдиқланади.

2. Ўқувчининг қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиб, ота-оналарнинг аризасига мувофиқ ўқув режада кўрсатилган фанларни умумий соатлар миқдоридан ошмаган ҳолда 1 соатга ўзгартиришга йўл қўйилади. Бундай ўзгартириш мактаб директорининг буйруғига мувофиқ ўқув режадаги битта фанни бошқа бир фан билан алмаштириш ҳисобига амалга оширилади.

3. "Меҳнат таълими" ўқув фани олиб боришда қўл меҳнати ўқув дастуридан фойдаланилади.

4. Таълим муассасаларининг педагогик кенгаш қарорига асосан ўқувчиларнинг ташхиси ҳамда жисмоний имкониятларини инобатта олган ҳолда ўқув дастурларига 15% гача ўзгартириш киритиш мумкин.

5. "Ижтимоий маиший ҳаётга йўналтириш" ўқув машғулотларида шу номдаги ёрдамчи мактаб ўқув дастуридан фойдаланиш тавсия этилади.

6. Ўқувчиларни имконияти чекланганлигини инобатга олиб, ҳар бир дарс давомийлиги 40 дақиқани ташкил этади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда қуйидаги муддатларга амал қилинади:

ўқув йилининг давомийлиги – 34 ҳафта;

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида байрам (ишланмайдиган) куни деб белгиланган кунларда дарс машғулотлари ўтказилмайди.

Байрам (ишланмайдиган) кунларига тўғри келиб қолган дарс машғулотларининг мавзулари ўқув дастурларини ихчамлаштирган ҳолда кейинги дарс машғулотларида ўтказилади.

Ўқув йили давомидаги таътилларнинг муддатлари қуйидагича белгиланади:

кузги таътил – 4 ноябрдан бошлаб 6 календарь кун;

қишки таътил – 28 декабрдан бошлаб 14 календарь кун;

баҳорги таътил – 21 мартдан бошлаб 7 календарь кун;

ёзги таътил – охирги босқичли назорат синови ўтказилган кундан (босқичли назорат ўтказилмайдиган синфлар учун ўқув йили тугаган кундан кейинги кундан) бошлаб 1 сентябргача.

Таътилнинг охирги куни байрам (ишланмайдиган) кунга тўғри келиб қолган тақдирда, дарс машғулотлари кейинги иш кунидан бошлаб давом эттирилади.

8. Мазкур таянч ўқув режа ва тушунтириш хати асосида ҳар бир умумий ўрта таълим муассасаси 2017-2018 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режа ва тушунтириш хатини ишлаб чиқади ва август ойидаги педагогик кенгашнинг қарори билан тасдиқлайди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2017 йил 22 август* *275-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ТАЪЛИМ ВА ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯ НАЗОРАТИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА” 2017 ЙИЛ 21 АВГУСТДАГИ ПҚ-3231-СОН ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ва давлат молия назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 21 августдаги ПҚ- 3231-сон қарори ижросини сифатли таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ва давлат молия назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 21 августдаги ПҚ- 3231-сон қарори (кейинги ўринларда қарор деб юритилади) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

марказлашган молия-бухгалтерия хизматлари ҳамда ички аудит ва молиявий назорат хизматларини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш гуруҳи 1-иловага мувофиқ;

таъмирлаш-эксплуатация бўлимларини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш гуруҳи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Марказлашган молия-бухгалтерия хизматлари ҳамда ички аудит ва молиявий назорат хизматларини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш гуруҳига:

10 кун муддатда марказлашган молия-бухгалтерия хизматлари фаолиятини ташкиллаштириш бўйича ҳудудий халқ таълими бошқаруви органлари томонидан бажарилиши лозим бўлган ишлар юзасидан таклифлар тайёрлаш;

ташкил этилаётган марказлашган молия-бухгалтерия хизматлари фаолиятини тартибга солиш, муассасаларни молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини юритиш бўйича таклифларни тайёрлашда Молия вазирлиги билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш;

20 сентябрга қадар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг марказлашган молия-бухгалтерия хизмати тўғрисидаги низом, уларнинг намунавий штатлари, ходимлари лавозимларининг тариф разрядлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, ҳудудий халқ таълими бошқармаларининг ички аудит ва молиявий назорат хизматлари тўғрисида низом лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш учун Молия вазирлигига киритиш вазифалари юклатилсин.

4. Таъмирлаш-эксплуатация бўлимларини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш гуруҳига:

икки ҳафта муддатда янги ташкил этилаётган таъмирлаш-эксплуатация бўлимлари тўғрисидаги низом, намунавий штатлар жадвали ва уларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳисоб-китобларни тайёрлаш ва келишиш учун тегишли вазирлик ва идораларга киритиш;

таъмирлаш-эксплуатация бўлимлари намунавий штатлар жадвалларини ишлаб чиқишда таълим муассасаларининг географик жойлашувидан ва муассасалар сонидан келиб чиққан ҳолда эътибор қаратиш вазифалари юклатилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиқларига:

1 ҳафта муддатда марказлашган молия-бухгалтерия хизматлари ташкил этилаётганлиги муносабати билан таълим муассасалари ва марказлашган молия-бухгалтерия хизматлари ўртасида молия-бухгалтерия ҳужжатларини топшириш ва қабул қилиш бўйича молия органлари билан ҳамкорликда ҳудудий комиссияларни шакллантириш;

10 кун муддатда шакллантирилган комиссиялар таркибини вазирликка тақдим этиш;

комиссиялар томонидан марказлашган молия-бухгалтерия хизматларига молия-бухгалтерия ҳужжатларини ва мол-мулкни белгиланган тартибда хатловдан ўтказилишини таъминлаш, жумладан, дебитор ва кредитор қарздорликлари бўйича солиштирма далолатномаларни тузиш;

20 сентябрга қадар янгидан ташкил этиладиган ички аудит ва молиявий назорат хизмати ҳамда марказлашган молия-бухгалте-

рия хизмати ходимларини иш фаолияти учун зарур бўлган хизмат хоналари, компьютер, мебель, жиҳоз, интернет ва бошқа воситалар билан таъминлаш чораларини кўриш;

ҳар бир таълим муассасаси ўзининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини юритиш учун бюджетдан ташқари фаолиятдан тушган маблағлар ҳисобидан бухгалтер сақлаш ҳуқуқи мавжудлиги ҳақида тушунтириш ишларини ўтказиш;

тасарруфидаги барча муассасаларнинг харажатлар сметаси ва унинг ижроси бўйича ҳисоботлар, шунингдек, товар (иш, хизмат) харид қилиш бўйича тузилган шартномалар рўйхатини ўз расмий веб-сайтига жойлаштиришни таъминлаш вазифалари юклатилсин.

6. Матбуот хизмати (Б.Шайвалиев), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (А.Хундибаев) вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлимлари томонидан тақдим этилган харажатлар сметаси ва унинг ижроси бўйича ҳисоботлар, шунингдек, товар (иш, хизмат) харид қилиш бўйича тузилган шартномалар рўйхатини вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш бўйича зарурий чораларни кўрсин.

7. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат килишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **У. Иноятов**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2017 йил 25 август* *277-сонли*

**Б У Й Р У Ғ И**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ МУАССАСА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 августдаги 659-сон “Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарорига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 августдаги 659-сон “Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 3 апрелдаги 102-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда халқ таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат педагогика ва ҳудудий малака ошириш институтлари ректорлари, вазирлик тизимидаги республика муассаса ва ташкилотлари раҳбарлари ўзлари қабул қилган буйруқларни бир ҳафта муддатда ушбу буйруққа мувофиқлаштирсинлар.

Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари С.Турғунов зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг*
*2017 йил 25 августдаги 277-сон буйруғига*
*ИЛОВА*

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда халқ таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қуйидаги мазмундаги $10^1$-банд билан тўлдирилсин:

“$10^1$. Тушган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш учун юбориш, шунингдек мурожаатларнинг ҳисобини юритиш ва кўриб чиқилишини назорат қилиш мақсадида вазирлик, муассаса ва ташкилотларда белгиланган умумий штатдаги ходимлар сони доирасида мурожаатлар билан ишлаш бўйича алоҳида бўлинма (бундан буён матнда мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма деб юритилади) ташкил этилади.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма вазирлик, муассаса ва ташкилотга тушган мурожаатлар ҳажмидан, ҳодимлар сони ва иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда алоҳида бўлим, бўлинма ёки гуруҳ шаклида ташкил этилиши мумкин.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма мурожаатларнинг кўриб чиқилишини назорат қилиш масалаларида бевосита раҳбарга бўйсунади.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма ҳамда унинг ходимлари ҳуқуқлари ва вазифалари улар тўғрисидаги низомларда, ушбу Низомда ҳамда мурожаатлар билан ишлаш тўғрисидаги бошқа хужжатларда белгиланади.”.

2. 11-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали тушаётган мурожаатлар бўйича иш юритиш вазирлик, муассаса ва ташкилотлар томонидан электрон шаклда амалга оширилади.”.

3. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Вазирлик, муассаса ва ташкилотларда тушган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқилишини назорат қилиш мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма томонидан амалга оширилади.”.

4. Қуйидаги мазмундаги $62^1$-$62^3$-бандлар билан тўлдирилсин:

“$62^1$. Муассаса ва ташкилотлар ҳар ойнинг 3-санасига қадар вазирликка, вазирликнинг мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинмаси ҳар ойнинг 5-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ўтган ойдаги мурожаатлар билан ишлашнинг якунлари тўғрисида ҳисоботлар тақдим этадилар.

$62^2$. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона порталида, вазирлик, муассаса ва ташкилотнинг расмий веб-сайтида, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида ҳар ойда эълон қилиниши мумкин.

$62^3$. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма тушган мурожаатларни таҳлил қилиш якунлари бўйича вазирлик, муассаса ва ташкилотнинг расмий веб сайтида тегишли статистика ҳисоботларини ҳар ойнинг охирги кунига қадар эълон қилади”.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2017 йил 5 сентябрь* *286-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## 2017-2018 ЎҚУВ ЙИЛИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ 10-СИНФЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИГА КАСБ-ҲУНАР ЎРГАТИШ БЎЙИЧА ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синф ўқувчиларига таълим бериш билан бирга махсус ва чуқурлаштирилган тайёргарлик талаб этмайдиган касб-ҳунар ўргатишга йўналтирилган касбий таълим жараёнларини ташкил этиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синф ўқувчиларига ўргатиладиган махсус ва чуқурлаштирилган тайёргарлик талаб этмайдиган касблар рўйхати 1-иловага, 2017-2018 ўқув йилида умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-синф ўқувчиларига ўргатиладиган касблар бўйича ўқув дастурларини амалиётга жорий этишни мувофиқлаштирувчи ташкилий қўмита таркиби 2-иловага, умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11- синфлари учун касблар бўйича ўқув режа ва дастурлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўқув ишлаб чиқариш мажмуалари фаолиятини ташкил этиш бошқармаси (И.Акбаров), Республика таълим маркази (И.Зокиров), Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази (Ш.Эргашев) 2017-2018 ўқув йилида умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-синфидан бошлаб ўқув режа асосида касбий таълим жараёнларининг босқичма-босқич ташкил этилишини мувофиқлаштирсин.

3. Ўқув ишлаб чиқариш комплекслари фаолиятини ташкил этиш бошқармаси (И.Акбаров), Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов), Республика таълим маркази (И.Зокиров), Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психолого-педагогик республика ташхис маркази (Ш.Эргашев), А.Авлоний

номидаги халк таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти (Н.Рахмонқулова), Профилли меҳнат таълимига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби (Б.Бляхер)га:

2017-2018 ва 2018-2019 ўқув йилларида умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари учун касблар бўйича ўқув дастурларини тажриба-синовдан ўтказиш;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда доимий равишда умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлар учун касблар бўйича ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш юзасидан семинарлар ўтказиш;

умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари учун касблар бўйича ўқув дастурларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Интернетдаги ахборот порталларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Республика таълим маркази ҳамда Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази расмий веб-сайтига жойлаштириш чораларини кўрсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига:

жорий йилнинг 15 сентябрига қадар умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари учун касблар бўйича уқув дастурларини барча ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилган таълим муассасаларига етказиш;

педагог ходимларга умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11- синфлари учун касблар бўйича ўқув дастурларини тажриба-синовдан ўтказишда узлуксиз ва манзилли амалий методик ёрдам кўрсатишни ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари С.Турғунов зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг 2017 йил 5 сентябрдаги*
*286-сонли буйруғига 1-илова*

**Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синф ўқувчиларига ўргатиладиган махсус ва чуқурлаштирилган тайёргарлик талаб этмайдиган касблар рўйхати**

| № | Ўқув ишлаб чиқариш мажмуасида (ЎИЧМ) ўргатиладиган касблар номи | ўқиш муддати |
|---|---|---|
| 1 | Автомобиль таъмирлаш техниклиги (йўналишлар бўйича) | 1 |
| 2 | Ҳайдовчилик | 1 |
| 3 | Ёнилғи қуйиш шохобчаларига сервис хизмат кўрсатиш техниклиги | 1 |
| 4 | Бичувчилик | 1 |
| 5 | Тикувчилик | 1 |
| 6 | Қурувчилик | 2 |
| 7 | Сувоқчилик | 1 |
| 8 | Қурилиш пардозловчилиги | 1 |
| 9 | Дурадгорлик | 1 |
| 10 | Том ёпувчилик | 1 |
| 11 | Пол ётқизувчилик | 1 |
| 12 | Металлга техник ишлов бериш (токарь) | 2 |
| 13 | Гилам тўқиш | 1 |
| 14 | Ёғоч ўймакорлиги | 1 |
| 15 | Мебель ясаш | 2 |
| 16 | Каштачилик | 1 |
| 17 | Кулолчилик | 1 |
| 18 | Косибчилик | 1 |
| 19 | Зардўзлик | 1 |
| 20 | Наққошлик, рассомлик | 1 |
| 21 | Маиший хизмат техникаларини таъмирлаш | 1 |
| 22 | Радиотехника воситаларини таъмирлаш | 1 |
| 23 | Фотограф | 1 |

| | | |
|---|---|---|
| 24 | Меҳмонхона хўжалиги ходими | 1 |
| 25 | Туристик хизматлар ташкилотчилиги | 1 |
| 26 | Чилангарлик | 1 |
| 27 | Сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш, таъмирлаш | 1 |
| 28 | Мусиқа асбобларини таъмирлаш | 1 |
| 29 | Пайвандлаш ишлари (йўналишлар бўйича) | 1 |
| 30 | Компьютер операторлиги | 1 |
| 31 | Компьютерларга техник хизмат кўрсатиш | 1 |
| 32 | Иш юритувчилик | 1 |
| 33 | Ошпазлик | 1 |
| 34 | Пазандачилик | 1 |
| 35 | Новвойчилик | 1 |
| 36 | Қандолатчилик | 1 |
| 37 | Ғазначилик | 1 |
| 38 | Ҳисобчилик | 2 |
| 39 | Сартарошлик | 1 |
| 40 | Косметолог | 1 |

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2017 йил 8 сентябрь* *291-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИ ТАРҚАТИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (бундан буён матнда вазирлик деб юритилади), ахборот-кутубхона муассасалари ва таълим муассасаларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

халқ таълими тизимида ҳуқуқий ахборотни тарқатиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини юбориш, норасмий эълон қилиш, ҳуқуқий тартиботни амалга ошириш, сўровга кўра ҳуқуқий ахборотни тақдим этиш усуллари орқали амалга оширилади;

халқ таълими тизимидаги ташкилотлар ва таълим муассасалари вазирлик томонидан ҳуқуқий ахборот билан таъминланади;

вазирликнинг таркибий ёки ҳудудий бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари ва уларга доир ахборот-таҳлилий материаллар тарқатиш ва расмий эълон қилиш учун Адлия вазирлигига юбориш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб бир кун муддатда мажбурий тартибда вазирликнинг юридик бўлимига тақдим этилади;

халқ таълими тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг электрон шакллари вазирлик ҳамда унинг тасарруфи-

даги барча ташкилот ва таълим муассасаларининг расмий веб-сайтларига давлат тилида (расмий веб-сайтнинг бошқа тиллардаги шакллари ҳам бўлиши мумкин) мажбурий тарзда жойлаштирилиши шарт.

4. Ижро интизомини назорат қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бошқармаси (К.Инаков), Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, давлат педагогика институтлари, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари, республика бўйсунувидаги ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларига:

ҳуқуқий ахборотнинг (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга оид расмий шарҳлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби тўғрисидаги тушунтиришлар), у келиб тушгандан бошлаб бир кунлик муддатда вазирликнинг барча таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига, шунингдек таълим муассасаларига етказиб берилишини таъминлаш;

ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровларига кўра, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотлардан ташқари халқ таълими тизимига доир ҳуқуқий ахборотни 15 кундан кечиктирмай тақдим этиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқ таълими тизимидаги ташкилотлар ва таълим муассасалари расмий веб-сайтларига жойлаштирилишини назорат килиш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби ҳақида белгиланган тартибда тушунтиришлар бериш;

халқ таълими тизимидаги таълим муассасаларида ўз фаолият йўналишига оид ҳуқуқий ахборот фондларининг шакллантирилиши, таълим олувчиларнинг ҳуқуқий ахборот фондидан фойдаланиши, таълим олувчиларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этилиши жараёнларини назоратга олиш вазифалари юклатилсин.

5. Юридик бўлим (С.Миразимов), Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, давлат педагогика институтлари, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари, республика бўйсунувидаги ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари:

вазирлик томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини ҳамда зарур бўлган тақдирда, уларга доир ахборот-таҳлилий материалларини тарқатиш ва расмий эълон қилиш учун Адлия вазирлигига юбориш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга доир, халқ таълими тизимидаги ташкилотлар ва таълим муассасаларида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган зарур ишларни ташкил этиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнииг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган тартибда юритиш чораларини кўрсин.

6. Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов), Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, давлат педагогика институтлари, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари, республика бўйсунувидаги ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларига:

халқ таълими тизимидаги ташкилотлар ва таълим муассасаларидаги ахборот-кутубхона муассасаларида фаолият йўналишига оид ҳуқуқий ахборот фондларини шакллантириш;

таълим муассасаларидаги ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланувчи таълим олувчиларнинг ҳуқуқий ахборот фондидан фойдаланишини таъминлаш;

таълим муассасаларидаги ахборот-кутубхона ресурсларидан таълим олувчиларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

7. Матбуот котиби (Б.Шайвалиев)га қабул килинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни улар вазирликка келиб тушган кундан бошлаб:

бир кун муддатда вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш;

бир ҳафта муддатда вазирлик тизимидаги газета ва журналларда чоп этиш;

телевидение ва радио орқали кенг тарғибот қилинишини таъминлаш чораларини кўриш тавсия этилсин.

8. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари С.Турғунов зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2017 йил 9 сентябь* *293-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА” 2017 ЙИЛ 9 СЕНТЯБРДАГИ ПҚ-3261-СОН ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон қарори ижросини таъминлаш, мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, уларнинг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш, нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон қарори (бундан буён матнда Қарор деб юритилади) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қарорга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланганлиги;

Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия ташкил этилганлиги;

2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида янги турдаги мактабгача таълим муассасаларини ташкил этилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Қуйидагилар:

Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага;

Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳ (бундан буён ишчи гуруҳ деб юритилади) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ишчи гуруҳ зиммасига қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида таъминлаш ҳамда ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган таклифларни белгиланган муддатларда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси юклатилсин.

5. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Д.Кенжаев) ҳамда юридик бўлим (С.Миразимов)га:

икки ой муддатда Тошкент, Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни амалга оширишнинг механизмини белгиловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш;

бир ой муддатда мактабгача таълим муассасасининг намунавий устави ҳамда ота-оналар билан мактабгача таълим муассасаси ўртасида тузиладиган шартнома намуналарини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш вазифаси юклатилсин.

6. Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф.Узаков) ҳамда Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов)га жорий йилнинг 20 октябрига қадар 1991-2017 йиллар давомида юридик ва жисмоний шахсларга берилган (олди-сотди, текин фойдаланиш, ҳадя, ижара ва ҳоказо) мактабгача таълим муассасаларининг бино ва иншоотларини инвентаризациядан ўтказиш, инвентаризация натижаларига кўра тўлиқ қувват билан фаолият кўрсатмаётган мактабгача таълим муассасаларини аниқлаш ҳамда уларнинг моддий-техник ҳолати бўйича маълумотлар тайёрлаш чораларини кўрсин.

7. Мактабгача таълим муассасалари бошқармаси (С.Мирджалилова)га:

мактабгача таълим муассасаларида соғлом ва хавфсиз овқатланишни ташкил этиш бўйича хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш;

Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассасаларида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр таомларни тўғридан-тўғри

шартномалар тузиш орқали етказиб бериш ишларини эксперимент-дан ўтказиш бўйича таклиф тайёрлаш вазифаси юклатилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

барча мактабгача таълим муассасалари ва кенг жамоатчилик орасида Қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларини олиб бориш;

ўн кун муддатда 1991-2017 йиллар давомида юридик ва жисмоний шахсларга берилган (олди-сотди, текин фойдаланиш, ҳадя, ижара ва ҳоказо) мактабгача таълим муассасаларининг бино ва иншоотларини, уларнинг моддий-техник ҳолатини инвентаризациядан ўтказиш, инвентаризация натижаларига кўра тўлиқ қувват билан фаолият кўрсатмаётган мактабгача таълим муассасаларини аниқлаш ҳамда уларнинг рўйхатини вазирликка тақдим этиш;

намунавий устав тасдиқлангач, мактабгача таълим муассасаларининг уставларини қайта кўриб чиқиш, белгиланган тартибда тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш;

Қарорда белгиланган вазифаларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш ва амалга оширилган ишлар бўйича ҳар ойда Халқ таълими вазирлигига маълумот киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

9. Ижро интизомини назорат қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бошқармаси (К.Иноқов)га:

бир кун муддатда Қарор ва мазкур буйруқни халқ таълими тизимидаги барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилишини таъминлаш;

ҳар чорак якунида Қарор доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш вазифаси юклатилсин.

10. Матбуот котиби (Б.Шайвалиев)га:

Қарор ва мазкур буйруқни вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш ҳамда вазирлик муассислигидаги газета ва журналларда чоп этиш;

қарорнинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш тавсия этилсин.

11. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари С.Турғунов зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг*
*2017 йил 9 сентябрдаги 293-сонли буйруғига 1-илова*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси**

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш ва мактабгача таълим муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш.** | | | | |
| 1. | Мактабгача таълимнинг бошқарув тузилмасини хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб қайтадан кўриб чиқиш ва такомиллаштириш. | 1. Мактабгача таълимнинг бошқарув соҳасида хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибасини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш.<br>2. Мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, алоҳида бошқарув тизимини ташкил этиш бўйича штатлар тузилмасини кўриб чиқиш;<br>3. Штатлар тузилмасига мувофиқ функция ва вазифаларни ишлаб чиқиш;<br>4. Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш натижаларига кўра мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш ва таклифлар ишлаб чиқиш бўйича республика комиссиясига киритиш. | 2017 йил 12 сентябрь<br>2017 йил 15 сентябрь<br>2017 йил 25 сентябрь<br>2017 йил ноябрь | Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Д.Кенжаев), Мактабгача таълим муассасалари бошқармаси (С.Мирджалилова)<br>Ишчи гуруҳ |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 2. | Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. | 1. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини танқидий ўрганиш натижаларига кўра мактабгача таълим соҳасига оид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайтадан кўриб чиқиш:<br>2. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш | 2017 йил октябрь<br>2017 йил декабрь | Мактабгача таълим муассасалари бошқармаси (С.Мирджалилова), МТМХҚТМОРЎММ (М.Аъзамова) |
| 3. | Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида ўқув-методик ва дидактик материаллар, ўйин ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётларни тайёрлаш ва таъминлаш тизимини такомиллаштириш. | 1. Мактабгача таълим тизимида фойдаланилаётган ўқув-методик, дидактик ва бадиий адабиётларни инвентаризациядан ўтказиш;<br>2. Инвентаризация натижаларини таҳлил қилиш, бадиий ва методик адабиётларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;<br>3. Импорт қилинаётган босма материаллар бозорини ўрганиш;<br>4. Болаларнинг интеллектуал ва англаш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган ўйин ва ўйинчоқларнинг миллий стандартларини ишлаб чиқиш<br>5. Мактабгача таълим муассасалари мутахассислари учун ўқув ва кўргазмали қуроллар, миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув- методик, дидактик (шу жумладан, ўйинлар ва ўйинчоқлар) материаллар ва бадиий адабиётлар тайёрлаш;<br>Тайёрланган таклифлар бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва республика комиссиясига киритиш. | 2017 йил октябрь<br>2017 йил октябрь<br>2017 йил ноябрь<br>2017 йил 10 ноябрь<br>2017 йил 25 ноябрь | Ҳудудий таълимни бошқарув органлари Ишчи гуруҳ<br>Мактабгача таълим муассасалари бошқармаси (С.Мирджалилова), МТМХҚТМОРЎММ (М.Аъзамова)<br>Мактабгача таълим муассасалари бошқармаси (С.Мирджалилова), МТМХҚТМОРЎММ (М.Аъзамова)<br>Мактабгача таълим муассасалари бошқармаси (С.Мирджалилова), МТМХҚТМОРЎММ (М.Аъзамова) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 4. | Мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш комиссиялари фаолиятини янада такомиллаштириш.<br>Бунда, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат интерактив хизматларини жорий этиш орқали навбатга қўйиш тартибини такомиллаштириш. | 1. Мактабгача таълим тизими фаолиятини ёритувчи расмий веб-саҳифасини ташкил этиш ва фаол ишлашини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда республика комиссиясига тақдим этиш:<br>Бунда, мактабгача таълим муассасаларининг фаолияти, уларнинг рейтинги ва таълим-тарбия жараёни билан танишиш учун ягона электрон ахборот майдонини яратиш ва тизимли ишлашини таъминлаш бўйича тизимли ишларни назарда тутиш.<br>2. Мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш комиссиясининг амалдаги фаолиятини танқидий ўрганиш;<br>3. Ўрганиш натижаларига кўра қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш:<br>Бунда, мактабгача таълим муассасаларига болаларни электрон қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш;<br>замонавий ахборот коммуникация технологияларни кенг жалб қилиш орқали қабул қилиш бўйича электрон ариза бериш, навбатни онлайн тартибда кузатиб бориш имконияти яратилишини назарда тутиш. | 2017 йил 25 октябрь<br>2017 йил октябрь<br>2017 йил 25 октябрь | Ахборот коммуникацион технологияларни жорий этиш бўлими (А.Хундибоев)<br>Ишчи гуруҳ<br>Мактабгача таълим муассасалари бошқармаси (С.Мирджалилова), Ахборот коммуникацион технологияларни жорий этиш бўлими (А.Хундибоев) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 5. | Мактабгача таълим муассасасининг намунавий Устави, шунингдек, мактабгача таълим муассасаси ва ота-оналар ўртасидаги намунавий шартнома қоидаларини такомиллаштириш. | 1. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштирилган ҳолда ташкил этишга қаратилган намунавий устави ва ота-оналар ўртасида тузиладиган шартнома намунасини тайёрлаш;<br>2. Ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш;<br>3. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятига татбиқ этиш;<br>4. Муассаса устави билан ота-оналарни таништириш ва шартномаларни қайтадан тузиш ишларини ташкил этиш.<br>5. Устав ва шартнома шартларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш. | 2017 йил 20 сентябрь<br><br>2017 йил 1 октябрга қадар<br><br>2017 йил октябрь<br><br>Доимо | Мактабгача таълим муассасалари бошқармаси (С.Мирджалилова), Юридик бўлим (С.Миразимов)<br>ҚҚР, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари |
| 6. | Мактабгача таълим соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш. | 1. Мактабгача таълим муассасаларининг педагог кадрлар билан таъминланганлиги ва малака ошириш курсларидан ўтганлик ҳолатини таҳлил қилиш орқали педагоглар тўғрисидаги банкни шакллантириш;<br>2. Мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;<br>3. Мактабгача таълим тизимида ҳар бир йўналиш бўйича кадрлар заҳирасини шакллантириш;<br>4. Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш орқали малака оширишнинг янги тизимини жорий этиш;<br>5. Хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда малака ошириш институтининг штатлар тузилмаси ва вазифалар тақсимотини қайтадан кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва амалда бажарилишини таъминлаш; | 2017 йил 1 октябрга қадар<br><br>2017 йил 15 октябрь<br><br>2017 йил 15 октябрь<br><br>2017 йил октябрь | Ҳудудий туман (шаҳар) таълимни бошқарув органлари, МТМХҚТМОРУММ (М.Аъзамова)<br>ҚҚР, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари<br>МТМХҚТМОРЎММ (М.Аъзамова) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 6. Педагогик йўналишдаги олий таълим муассасаларига “Мактабгача таълим” бўйича педагог мутахассислиги йўналишига қабул квотасини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва республика комиссиясига киритиш. | | МТМХҚТМОРЎММ (М.Аъзамова) Мактабгача таълим муассасалари бошқармаси (С .Мирджалилова) |
| 7. | Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни яхшилаш. | Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини қайта кўриб чиқиш;<br>Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбанлантириш тизимини, шу жумладан, болалар гуруҳлари (5дан 6-7 ёшгача) тарбиячиларининг лавозим маошини умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчиларининг лавозим маошига тенглаштириш, шунингдек, рағбатлантириш механизмларини ташкил этиш йўли билан такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;<br>Мувофиқлаштириш гуруҳига тегишли таклифларни киритиш. | 2017 йил ноябрь | Н.Муротов, С.Миржалилова, Б.Шамсиев, А.Носиров, С.Миразимов |
| **II. Давлат мактабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник таъминотини яхшилаш.** | | | | |
| 8. | Давлат мактабгача таълим муассасаларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш, уларнинг моддий-техник жиҳозланиши аҳволини ўрганиш, | 1. Худудларда маҳаллий ҳокимликлар қошида тегишли ташкилот ва корхоналар мутахассисларини жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳ ташкил этиш.<br>2. Мактабгача таълим муассасаларини мавжуд моддий-техник ҳолатини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш; | 2017 йил 20 сентябрь<br>2017 йил 25 сентябрь | ҚҚР, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | янги мактабгача таълим муассасаларига, шу жумладан, турар жой массивлари ва кўп қаватли уйларнинг қурилиши бўйича давлат дастурлари амалга оширилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда реал эҳтиёж мавжуд бўлган ҳудудларни аниқлаш. | 3. Мактабгача таълим муассасаларининг қувватга нисбатан ўриндан фойдаланиш коэффициентини аниқлаш;<br>4. Мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатмайдиган ҳудудлар, янги ташкил этилаётган турар жой массивларида мактабгача таълим муассасаси қуришга бўлган реал эҳтиёжни аниқлаш;<br>5. Инвентаризация натижаларига кўра маълумотларни умумлаштириш, янги мактабгача таълим муассасаси ташкил этиш бўйича таклифларни республика комиссиясига тақдим этиш. | 2017 йил 25 сентябрь<br>2017 йил 1 октябрга қадар<br>2017 йил 10 ноябрга қадар | Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф.Узаков)<br>Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф.Узаков) |
| 9. | 1991-2017 йиллар давомида юридик ва жисмоний шахсларга берилган (сотиш, бепул бериш, ўзгага беришнинг бошқа турлари) мактабгача таълим муассасалари биноларининг қонунийлиги ва асослилигини комплекс ўрганиш ҳамда инвентаризациядан ўтказиш. | 1. Маҳаллий ҳокимликлар қошида тузилган ишчи гуруҳ томонидан бўш турган биноларни инвентаризациядан ўтказиш;<br>2. Бино ва иншоотларнинг моддий-техника базасининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш;<br>3. Инвентаризация натижаларига кўра бўш турган объектларда болаларни қамраб олиш коэффициентини (даражаси) аниқлаш;<br>4. Ўрганиш натижалари бўйича маълумотларни умумлаштириш ва республика комиссиясига тегишли тартибда таклиф киритиш. | 2017 йил 25 ноябрь | ҚҚР, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари<br>Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф.Узаков) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 10. | Хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача таълим муассасалари учун замонавий бинолар қурилишининг норма ва қоидаларини такомиллаштириш. | 1. Замонавий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда мактабгача таълим муассасаларининг архитектура лойиҳа ечимлари ва интерьерига ягона ёндашувни, ҳар бир янгидан қурилаётган мактабгача таълим муассасасида муқобил мактабгача таълим шаклларини ташкил этиш имкониятларини назарда тутувчи оптимал қувватларга эга бўлган намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш;<br>2. Лойиҳани тайёрлашда республиканинг етакчи лойиҳа ташкилотларини жалб этиш:<br>бунда, спорт майдонча ва жисмоний тарбия заллари, сузиш ҳавзалари ҳамда энг замонавий технологияларни қўллаган ҳолда биноларнинг энергия тежамкорлигини таъминланишини кўзда тутиш;<br>3. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан ҳамкорликда замонавий мактабгача таълим муассасалари қурилишининг норма ва қоидаларини тасдиқлашни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш.<br>4. Қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2018 йил 1 февраль<br>2018 йил 20 февраль | Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф.Узаков)<br>Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф.Узаков) |
| 11. | | 1. Янги турар жой массивлари ва кўп қаватли уйлар қурилишига доир давлат дастурларини ҳисобга олган ҳолда янги қуриладиган мактабгача таълим муассасаларининг манзилли рўйхатини шакллантириш; | 2018 йил 1 мартгача | ҚҚР, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Янги мактабгача таълим муассасаларининг қурилиши ва амалдагиларини реконструкция қилишга йирик хўжалик субъектларини жалб этиш. | 2. Инвентаризация якунларига кўра бўш турган бино ва иншоотлар базасида ташкил этиладиган янги турдаги мактабгача таълим муассасалари рўйхатини шакллантириш;<br>3. Республика комиссияси билан келишилган ҳолда янги турдаги мактабгача таълим муассасалари ташкил этилиши белгиланган янги қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш учун йирик хўжалик субъектларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқиш;<br>4. Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш учун жалб этиладиган субъектларга солиқ ва бошқа имтиёзларни тақдим этиш бўйича тайёрланган таклифларда келишиш ишларини олиб бориш;<br>5. Чора-тадбирлар дастури ва Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2017 йил 30 октябрь кунига қадар<br><br>2017 йил 30 октябрь кунига қадар | Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф.Узаков)<br><br>Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф.Узаков) |
| 12. | Давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш орқали нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ривожлантиришнинг ташкилий- ҳуқуқий асосларини яратиш. | 1. Нодавлат мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича мавжуд муаммоларни аниқлаш;<br>2. Нодавлат мактабгача таълимни ривожлантириш бўйича хорижий давлатлар ҳамда илғор иш тажрибаларни ўрганиш;<br>3. Нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган тартибини ишлаб чиқиш;<br>4. Нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифларни Республика комиссиясига киритиш; | 2017 йил 1 октябрь<br><br>2017 йил ноябрга қадар | Мактабгача таълим муассасалари бошқармаси (С.Мирджалилова), МТМХҚТМОРЎММ (М.Аъзамова) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 5. Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, давлат-хусусий шериклик механизмини ишлаб чиқиш;<br>6. Ҳудудларда янги турдаги Давлат - хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган 14 та мактабгача таълим муассасаларини аниқлаш ва уларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш;<br>7.Мактабгача таълим соҳасида Давлат - хусусий шерикликни амалга ошириш механизмини белгиловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.<br>8. 2018 йилда эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик механизми асосида ташкил этиладиган янги турдаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ўрганиб бориш ва йил якунида таҳлил қилиш;<br>9. 2018 йилда ўтказилган эксперимент якунлари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига республиканинг бошқа ҳудудларида мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар киритиш. | 2017 йил 1 октябрь<br><br>декабрь | Мактабгача таълим муассасалари бошқармаси (С.Мирджалилова), МТМХҚТМОРЎММ (М.Аъзамова) этиш бошқармаси (Ф.Узаков) |
| 13. | Давлат мактабгача таълим муассасаларининг жорий фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби ва нормаларини такомиллаштириш. | 1. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш механизмининг самарадорлиги ва оқилоналиги нуқтаи назаридан қонунчиликни танқидий ўрганиш, шунингдек, молиялаштиришнинг энг кам нормаларини аниқлашнинг асослилигини Молия вазирлиги билан ҳамкорликда таҳлил қилиш; | | Мувофиқлаштириш гуруҳи, Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 2. Давлат мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича, шу жумладан, молиялаштиришнинг устуворлигини аниқлаштирувчи мезонларни назарда тутувчи таклифларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш гуруҳига тегишли таклифларни киритиш. | 2017 йил 1 октябргача | Мувофиқлаштириш гуруҳи, Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов) |
| **III. Мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш, соғлом овқатлантириш ва зарур шарт-шароитлар яратиш ишларни такомиллаштириш** | | | | |
| 14. | Мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш. | 1. Мактабгача таълим муассасаларида тиббий хизматни ташкил этилишини танқидий ўрганиш;<br>1. Ўрганиш натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган ҳудудий таълимни бошқарув органлари ҳамда соғлиқни сақлаш органлари билан ҳамкорликда тиббий хизматни такомиллаштириш юзасидан аниқ мақсадли чора-тадбирларни белгилаш ва амалга оширилишини таъминлаш;<br>2. Болаларни тиббий кўрикдан ўтказилишини таҳлил қилиб бориш;<br>3. Тиббий кўрик натижасида касаллиги аниқланган болаларни соғломлаштириш тадбирларини белгилаш.<br>5. Тиббий кўрик якуни бўйича таҳлил натижалари юзасидан тайёрланган маълумотлар ва таклифларни халқ таълими вазирлигига тақдим этиш. | 2017 йил 1 октябрь<br><br>2017 йил 1 октябрь<br><br>Доимий<br><br>Ҳар йил якунида | ҚҚР, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари<br><br>ҚҚР, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари<br><br>ҚҚР, Тошкенг шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 15. | Мактабгача таълим муассасаларида тиббиёт ходимларининг касбий даражасини ошириш. | 1. Мактабгача таълим муассасаларининг тиббиёт ходимлари билан таъминланганлик даражасини ўрганиш;<br>2. Тиббиёт ҳамшираларни малака ошириш курсларидан ўтказиш бўйича 2018-2020 йилларга мўлжалланган истиқбол режа ишлаб чиқиш;<br>4. Мактабгача таълим муассасаларининг олий маълумотли шифокорлар билан таъминланганлик даражасини ўрганиш;<br>5. Тиббиёт шифокорларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;<br>6.Мактабгача таълим муассасаларга шифокор штатини ажратиш ва ўрнатилган тартибда бириктириш юзасидан соғлиқни сақлаш органларига таклифлар киритиш. | 2017 йил 25 сентябрга қадар<br><br>2017 йил 28 сентябрга қадар<br>2017 йил 1 октябрга қадар<br>2017 йил октябрь | ҚҚР, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари<br><br>ҚҚР, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари<br>Мактабгача таълим муассасалари бошқармаси (С .Мирджалилова), МТМХҚТМОРЎММ (М.Аъзамова) |
| 16. | Мактабгача таълим муассасаларини зарур тиббий жиҳозлар ва дори воситалари билан таъминлаш. | 1. Мактабгача таълим муассасаларининг тиббий жиҳозлар билан таъминланганлик даражасини инвентаризациядан ўтказиш;<br>2. Тиббий жиҳозлар, биринчи тиббий ёрдам учун дори-дармон ҳамда ювувчи-зарарсизлантирувчи воситалар учун зарур бўлган йиллик эҳтиёжни аниқлаш;<br>3. Тиббий жиҳоз, дори-дармон, ювувчи ва зарарсизлантирувчи воситалар учун зарур бўлган маблағни ажратиш бўйича Молия вазирлигига таклиф киритиш. | 2017 йил 25 сентябрга қадар<br>2017 йил 28 сентябрга қадар<br>2017 йил 1 октябрга қадар | ҚҚР, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари<br>Мактабгача таълим муассасалари бошқармаси (С.Мирджалилова), МТМХҚТМОРЎММ (М.Аъзамова) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 17. | Тошкент шаҳрида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасалари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали сифат талабларига ва санитария- гигиена нормаларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр таомларни етказиб бериш бўйича эксперимент ўтказиш. | 1. Мактабгача таълим муассасаларида овқатлантириш жараёнини ташкил этиш бўйича хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш;<br>2. Танланган лойиҳа асосида мактабгача таълим муассасаларига тегишли санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига жавоб берадиган озиқ- овқат маҳсулотлари ва тайёр таомларни етказиб берадиган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш ва уларни жалб этиш;<br>3. Танланган тадбиркорлик субъектлари ва мактабгача таълим муассасалари ўртасида тўғридан-тўғри шартномалар тузилишини ташкил этиш ва эксперимент жараёнини ўрганиб бориш;<br>4. Тайёр таомларнинг сифатлилиги, хавфсизлиги ҳамда амалдаги санитария нормалари ва гигиена нормативларига мослигини назорат қилиш;<br>5. Етказиб берувчи ташкилотлар томонидан таомни етказиш жараёнида шаффофликка амал қилиниши, ўз вақтида сифатли етказилиши ҳамда нарх сиёсатига риоя қилиниши бўйича фаолиятини назорат қилиш;<br>6. Мактабгача таълим муассасасига етказилган маҳсулотни қабул қилиниши ва сарфланиши бўйича меъёрий ҳужжатларни юритиш;<br>7. Мактабгача таълим муассасаларига тайёр таомларни етказиб бериш бўйича ўтказилган эксперимент натижаларини таҳлил қилиш;<br>8. 2017 йилда ўтказилган эксперимент якунлари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига республиканинг бошқа ҳудудларида мазкур амалиётни жорий этиш бўйича таклифлар киритиш. | 2017 йил 25 сентябрга қадар<br><br>2017 йил октябрь-декабрь ойлари<br><br>2017 йил октябрь-декабрь ойлари<br><br>2017 йил октябрь-декабрь ойлари эксперимент жараёнида<br><br>2018 йил 5 январга қадар<br>2018 йил 15 январга қадар | Мактабгача таълим муассасалари бошқармаси (С.Мирджалилова), А.Содиқов , Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Н.Мавлянова<br>Мактабгача таълим муассасалари бошқармаси (С.Мирджалилова), А.Содиқов, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Н.Мавлянова<br>Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Н.Мавлянова<br><br>Мактабгача таълим муассасалари бошқармаси (С.Мирджалилова, А.Содиқов) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 18. | Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг соғлом ва жисмоний ривожланиши учун зарур бўлган мебелларини тайёрлаш стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 1. Хорижий давлатларда болалар мебель-жиҳозларига қўйилган санитария қоидалари ва гигиена нормативларини ўрганиш;<br>2. Хорижий тажриба ва зарур стандартларни инобатга олган ҳолда болалар мебель-жиҳозларини тайёрлаш бўйича стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш;<br>3. Тайёрланган ва тасдиқланган янги стандартларга мувофиқ миллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва республика комиссиясига киритиш. | 2017 йил октябрга қадар<br><br>2017 йил 25 ноябрга қадар | Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф.Узаков) |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2017 йил 13 сентябрь* *295-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ 13 СЕНТЯБРДАГИ ПҚ-3271-СОНЛИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тартиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” ПҚ-3271-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда бадиий адабиётларни харид қилиш ва уларнинг тарғиботини йўлга қўйиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли қарори (бундан буён матнда Қарор деб юритилади) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли қарори билан тасдиқланган “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” ижросини таъминлаш бўйича Халқ таълими вазирлигининг тармоқ дастури (бундан буён матнда тармоқ дастур деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Халқ таълими вазирининг 2017 йил 14 январдаги 11-сонли буйруғи билан тасдиқланган ишчи гуруҳ (С.Турғунов, А.Саъдуллаев) га соҳа мутахассислари ва экспертларни жалб қилган ҳолда қуйидаги масалаларни атрофлича ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш асосида тегишли таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилсин:

китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш,ноширлик ва матбаа соҳаларини янада ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган китобларни, айниқса болаларга мўлжалланган адабиётларга алоҳида эътибор қаратиш;

китоб маҳсулотлари бўйича давлат буюртмасининг асосий йўналишларини шакллантириш, адабий-бадиий, ўқув-услубий, илмий-назарий, илмий-оммабоп ва кўргазмали адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш;

жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича давлат буюртмаларини тайёрлаш, уларни зарур нусхаларда юксак сифат билан нашр этиш ва молиялаштиришни йўлга қўйиш, китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш;

ахборот-кутубхона фаолиятини кучайтириш, таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг кутубхона фондлари, кутубхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг “маънавият хоналари”ни ўқув-услубий, техник адабиётлар, адабий-бадиий, маърифий ва илмий-оммабоп китоблар билан бойитиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги илмий-техник, адабий-бадиий ва энциклопедик адабиётларни янада кўпайтириш;

қишлоқ аҳолисига кутубхона хизматини кўрсатиш тизимини ташкил этиш;

интернет орқали зарур адабиётларни топиш ва харид қилиш имконини берадиган eReader электрон ўкув қурилмаларини ишлаб чиқарилиши ва уларнинг ахборот базасига таълим муассасалари ўқувчилари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий, илмий-назарий манбаларни жойлаштириш;

мазмунан саёз, миллий маънавият ва қадриятларимизга ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган адабиётларни тайёрлаш, босиб чиқариш ва тарқатишнинг олдини олиш;

китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини тизимли ва самарали ташкил этиш, бу борада китобхонлар, кутубхоначи ва тарғиботчилар ўртасида “Энг китобхон мактаб”, “Энг китобхон маҳалла”, “Энг китобхон оила”, “Энг фаол кутубхоначи” каби кўрик-танловларнинг саралаш ва республика босқичларини юқори савияда ўтказиш.

4. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув методик жараённи ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров), Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов)га белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосарлари С.Турғунов ва А.Саъдуллаев зиммаларига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг 2017 йил 13 сентябрдаги*
*295-сонли буйруғига илова*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли қарори билан тасдиқланган “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” ижросини таъминлаш бўйича Халқ таълими вазирлигининг тармоқ дастури**

| Т/р | Чора-тадбирлар | Ижро муд-дати | Амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа | Вазирлик ва идоралардан масъуллар | ХТВдан ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| I. | Янги таҳрирдаги “Ноширлик фаолия-ти тўғрисида”ги Ўзбекистон Респуб-ликаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этиш. | 2018 йил март | Янги таҳрирдаги “Ноширлик фао-лияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси.<br>1. Лойиҳада нашриётлар фаолияти-ни қўллаб-қувватлашнинг аниқ шакл ва механизмларини белгилаш.<br>2. Ижтимоий аҳамият молик ада-биётларга грантлар ажратиш, но-ширлар ва адибларни молиявий рағбатлантириш.<br>3. Болалар адабиётига ихтисос-лашлаштирилган нашриётларга молиявий имтиёзларни кафолат-лаш назарда тутиш. | Матбуот ва ах-борот агентлиги, Иқтисодиёт ва-зирлиги, Молия вазирлиги, Ад-лия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазир-лиги | Умумий ўрта таълим муасса-саларида ўқув методик жа-раённи ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров), Таълим муассасалари фао-лиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Д.Кенжаев) Мактабдан ташқари таълим-ни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов), Республика таълим маркази (И.Зокиров), Республика болалар кутубхо-наси (Д.Уролов) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 2. | Болалар адабиётига ихтисослашган нашриётларга молиявий имтиёзлар бериш, моддий қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш. | 2018 йил март | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси<br>1. Болалар адабиётига ихтисослаштирилган нашриётларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тўғрисидаги чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади.<br>2. Болалар адабиётини нашр қилишга ихтисослаштирилган нашриётларни аниқлаш мезонлари белгиланади ва уларни моддий қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилади. | Матбуот ва ахборот агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги | Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув методик жараённи ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров),<br>Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб бош бошқармаси (Н.Муротов)<br>Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Д.Кенжаев)<br>Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов),<br>Республика таълим маркази (И.Зокиров),<br>Республика болалар кутубхонаси (Д.Уролов) |
| 3. | Аҳоли, айниқса ёшлар дунёқарашини кенгайтириш, интеллектуал савиясини ўстириш, маънавий оламини бойитишга оид илмий-маърифий, | 2017 йил сентябрь | Ижрочиларнинг қўшма қарори.<br>1. Экспертлар гуруҳи Низоми тасдиқланади. Унда ижтимоий сўровлар ёрдамида ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, интелектуал савиясини ўстиришга оид адабиётлар бўйича умумий буюртмалар рўйхатини шакллантириш. | | Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув методик жараённи ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров),<br>Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Д.Кенжаев), |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | бадиий адабиётлар (жумладан, электрон шаклда) бўйича умумий буюртмалар рўйхатини шакллантирувчи экспертлар гуруҳига номзод ажратиш. | 2017 йил сентябрь | 2. Нашриётларнинг мавзу режаларига тегишли таклифлар тайёрлаш.<br>3. Ташкилот ва муассасаларнинг “Маънавият хоналари”, кутубхона ва таълим муассасаларнинг ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган адабиётлар билан бойитиш борасида хулосалар тайёрланади. | | Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов),<br>Республика таълим маркази (И.Зокиров),<br>Республика болалар кутубхонаси (Д.Уролов) |
| 4. | Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича давлат буюртмалари бериш, уларни кўп нусхада юксак сифатли билан нашр этиш ва молиялаштириш тизимини янада ривожлантириш ва китоб маҳсулотларининг нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2018 йил март | 1. Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.<br>2. Лойиҳада жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилишга буюртмалар бериш тизимини йўлга қўйиш, мамлакатда китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва аҳолининг кенг қатламини қамраб олиш, китоб маҳсулотларининг нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмларини ишлаб чиқиш. | Матбуот ва ахборот агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Интеллектуал мулк агентлиги | Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув методик жараённи ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров),<br>Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Д.Кенжаев)<br>Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов),<br>Республика таълим маркази (И.Зокиров),<br>Республика болалар кутубхонаси (Д.Уролов) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 5. | Таълим муассаса-лари, ахборот-ре-сурс марказларнинг кутубхона фонди, кутубхоналар учун бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшлар-нинг интеллектуал салоҳиятини оширишга йўналтирилган ада-биётларни харид қилиш бўйича за-рур бўлган молия-вий манбаларни аниқлаш ва улар-нинг ҳисобидан ушбу муассасалар-ни китоблар билан таъминлаш бўйича таклифлар тайёр-лаш. | 2017 сен-тябрь | 1. Таълим муассасалари, ахбо-рот-ресурс марказларининг ку-тубхона фонди, кутубхоналарни бадиий, маърифий, илмий-ом-мабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оши-ришга хизмат қиладиган адаби-ётлар билан таъминлаш тартиби ва меъёрлари тўғрисида низом лойиҳасини ҳамда адабиётларни босқичма-босқич етказиб бериш жадвали ишлаб чиқилади.<br>2. Таълим ва маданият муасса-салари учун адабиётлар харид қилиш тизимини такомиллашти-ришга эришилади. | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт ва-зирлиги, Молия вазир-лиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ёш-лар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат мар-кази | Умумий ўрта таълим муас-сасаларида ўқув методик жараённи ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров), Мактабдан ташқари таълим-ни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов), Республика таълим маркази (И.Зокиров), Республика болалар кутубхо-наси (Д.Уролов) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 6. | Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги илмий-техник, бадиий ва энциклопедик адабиётларни янада кўпайтириш чораларини кўриш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш. | 2018 йил февраль | Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши баёни.<br>1. Лотин алифбосида олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари учун илмий-техник адабиётлар, шунингдек, 12 жилддан иборат “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”нинг тўлдирилган нашрини, ҳар йили қўшимча равишда “Энциклопедия йилнома”сини чоп этиш йўлга қўйилади. | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар академияси | Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув методик жараённи ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров), Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов), Республика таълим маркази (И.Зокиров), Республика болалар кутубхонаси (Д.Уролов) |
| 7. | Ўзбекистонда электрон ўқув қурилмалари (eReder) ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уларга умумтаълим мактаблари дарсликлари ва касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар учун ўқув адабиётларини жойлаштириш, уларни имтиёзли нархларда сотиб олиш механизмини ташкил қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2018 йил май | Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши баёни.<br>1. Электрон ўқув қурилмалари (eReder) ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва амалиётга жорий этиш масалалари акс этади.<br>2. Электрон ўқув қурилмаларини амалиётга жорий этиш орқали умумтаълим мактабларида дарсликларнинг етишмаслиги муаммоси ҳал этилади ҳамда қоғозни тежаш ва уни импорт қилиш ҳажмини камайтиришга эришилади. | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, “Ўзстандарт” агентлиги | Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув методик жараённи ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров), Ахборот- коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (А.Хундибаев), Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (К.Гафуров) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 8. | Мамлакатимиздаги ахборот-кутубхона муассасаларига ёшларни фаол жалб этиш борасидаги тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. Ахборот-кутубхона муассасаларида “Китобхонлар клуби”ни ташкил этиш. | 2017 йил сентябрь | Ижрочиларнинг қўшма қарори.<br>1. Мунтазам равишда фаолият кўрсатадиган китоб кўргазмалари, ёшлар билан суҳбатлар, янги нашрлар тақдимотларини ташкил этиш орқали аҳолини жаҳон адабиётининг таржима қилинган энг яхши намуналари билан таништириш, ахборот маданияти ва замонавий мутолаа маданиятини ва фикрлаш савиясини янада ошириш мақсадида ижтимоий фаол ёшларни кўнгиллилар ҳаракатига жалб этиш, кутубхоначи ва тарғиботчилар орасида турли танловлар ўтказиш масалалари қамраб олинади. | Матбуот ва ахборот агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази | Ўқувчи-ёшлар билан ишлаш бошқармаси (А.Абдуллаев), Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов), Республика болалар кутубхонаси (Д.Ўролов) |
| 9. | Электрон турдаги ахборот-кутубхона ресурсларини кўпайтириш ва улардан Интернет тармоғи орқали фойдаланиш дастури ишлаб чиқиш бўйича таклиф тайёрлаш. | 2018 йил июль | 1. Ижрочиларнинг қўшма қарори.<br>2. “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳаси бўйича яратиладиган электрон нусхалари ҳамда мультимедиа маҳсулотларидан масофадан туриб фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш. | Матбуот ва ахборот агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги | Ахборот- коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (А.Хундибаев), Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (К.Гафуров) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 10. | “Infolib Uzbekistan” миллий ахборот-кутубхона ҳафталигини ташкил этиш ва ўтказишда ҳамкорлик қилиш. | 2017 йил ноябрь-декабрь | 1. Ижрочининг қўшма қарори.<br>2. Ҳафталик доирасида турли мавзуларда онлайн конференциялар ташкил этиш орқали аҳоли, айниқса ёш авлоднинг кутубхона хизматларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш. | Матбуот ва ахборот агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги | Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов), Республика болалар кутубхонаси (Д.Ўролов) |
| 11. | Таълим муассасаларида синфдан ташқари ўқиш учун тавсия этилган ўзбек ва чет эл адибларининг мумтоз ва замонавий асарларини танлаб, хрестоматия адабиётлари рўйхатларини қайта кўриб чиқиш. | 2017 йил август-сентябрь | Ижрочилар вакилларидан иборат комиссиянинг иш режаси.<br>1. Таълим муассасалари ўқувчиларига тавсия этилган адабиётлар қайта хатловдан ўтказилади. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятидан келиб чиқиб, синфдан ташқари ўқиши учун адабиётларнинг янгиланган рўйхати бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади. | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, “Оила” илмий-амалий маркази, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи | Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув методик жараённи ривожлантириш бош бошқармаси (А.Носиров), Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Д.Кенжаев) Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов), Республика таълим маркази (И.Зокиров), Республика болалар кутубхонаси (Д.Уролов) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 12. | Аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва адабий меросни кенг тарғиб қилиш, муаллиф ва ноширларни маънавий рағбатлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш. | Ҳар йили<br><br>Май, сентябрь | Вазирлар Маҳкамаси йиғилиш баёни.<br>1. “Ёшлар маънавий оламини шакллантиришда кутубхоналар ўрни”, “Ўзбек миллий-маданий меросини тарғиб этишда кутубхоналарнинг ўрни” мавзуларида илмий-амалий анжуманлар, “Китоб байрами”, “Болалар китоби” республика фестивали, “Ёшларнинг энг севимли китоби”, “Йилнинг энг яхши китоби” республика кўрик-танловларини ўтказиш ҳамда Зулфия номидаги давлат мукофотининг адабиёт йўналиши бўйича совриндорларининг ижод намуналарини тарғиб қилиш. | Матбуот ва ахборот агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов), Республика болалар кутубхонаси (Д.Ўролов), Республика таълим маркази (И.Зокиров) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 13. | Таълим ахборот кутубхона муассасалари, маҳаллаларда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувларни тизимли равишда ташкил этиш. | Доимий | Ижрочиларнинг қўшма қарори билан тасдиқланадиган амалий режа.<br>1. Республика таълим муассасалари ва ахборот-ресурс марказларида “Ёшлар дунёсида китобнинг ўрни” тадбирлар режасига мувофиқ халқимизнинг маънавий мулкига айланган китоблар тарғиботи, ёшларнинг бир- бирига китоблар совға қилишларини кенг оммалаштириш, маънавиятга қарши қаратилган хуружларининг реал хавфи ҳақида атрофлича муҳокама олиб борилади. | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, “Маҳалла” фонди, Республика маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи | Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов), Ўқувчи-ёшлар билан ишлаш бошқармаси (А.Абдуллаев), Республика болалар кутубхонаси (Д.Ўролов), Республика таълим маркази (И.Зокиров) |
| 14. | Мактабгача ва умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабаларининг мутолаа маданияти ва китобхонлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш. | Доимий | Ижрочиларнинг қўшма қарори билан тасдиқланадиган амалий режа.<br>1. “Китобим-офтобим” тадбирлар режасига мувофиқ болаларнинг китоб мутолааси кўникмаларини шакллантириш, ота-оналарга фарзандларининг китоб ўқишга меҳр қўйишга доир тавсиялар бериб борилади. | Халқ таълими вазирлиги, “Оила” илмий-амалий маркази, Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи | Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов), Республика таълим маркази (И.Зокиров), Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув методика маркази (М.Аъзамова), Республика илмий педагогика кутубхонаси (Д.Ғаниева), Республика болалар кутубхонаси (Д.Ўролов), |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 15. | Мактабгача ва умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабаларининг мутолаа маданияти ва китобхонлик кўникмаларини шакллантириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш. | 2017 йил сентябрь | Ижрочиларнинг чора-тадбирлар режаси.<br>1. Тарбиячи ва ўқитувчилар учун методик тавсиялар ишлаб чиқилади ва семинар-тренинглар ўтказиб борилади. | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика таълим маркази, Республика болалар кутубхонаси | Республика таълим маркази (И.Зокиров), Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув методика маркази (М.Аъзамова), Республика илмий педагогика кутубхонаси (Д.Ғаниева), Республика болалар кутубхонаси (Д.Ўролов), |
| 16. | Таълим муассасаларида ўқув жараёнига мутолаа қилинган асарлар асосида иншо ёзиш тизимини жорий этиш, адабиёт тўгаракларини ташкил этиш ва фаолиятини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини қайта кўриб чиқиш. | 2017 йил сентябрь-октябрь 2018 йил май | Вазирлар Маҳкамаси йиғилиш баёни.<br>1. Таълим муассасаларида ҳар ўқув йилида “Мен севган асар”, “Мен севган адабий қаҳрамон”, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” каби мавзуларда иншолар танлови ташкил этилади ва ғолиблар моддий-маънавий рағбатлантирилади. | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази | Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов), Республика таълим маркази (И.Зокиров), Ўқувчи-ёшлар билан ишлаш бошқармаси (А.Абдуллаев), Республика илмий педагогика кутубхонаси (Д.Ғаниева), Республика болалар кутубхонаси (Д.Ўролов) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 17. | Ҳудудларда ёзувчилар, шоирлар ва олимлар иштирокида китоб байрами ва ярмаркаларини ташкил этиш, аҳоли ўртасида миллий ва жаҳон мумтоз адабиётининг юксак намуналарини тарғиб қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | Доимий | Вазирлар Маҳкамаси йиғилиш баёни.<br>1. Ҳудудларда китоб байрами ва ярмаркаларини ташкил этиш, аҳоли ўртасида миллий ва жаҳон мумтоз адабиётининг юксак намуналарини тарғиб қилиш, жумладан нашриётлар, китобхонлар ва кутубхоначи ва тарғиботчилар орасида “Йилнинг энг яхши китоби”, “Энг китобхон мактаб”, “Энг китобхон маҳалла”, “Энг китобхон оила”, “Йилнинг энг яхши болалар китоби”, “Йилнинг энг яхши аудио китоби”, “Йилнинг энг яхши электрон китоби” каби танловлар ўтказиш ҳақидаги низом тасдиқланади.<br>2.Ноширлар ва муаллиф адибларни эришган ютуқларидан келиб чиқиб, доимий молиявий рағбатлантириш тизими шаклланади. | Ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, “Оила” илмий-амалий маркази, “Маҳалла” фонди, Матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси (А.Алимов),<br>Ўқувчи-ёшлар билан ишлаш бошқармаси (А.Абдуллаев),<br>Республика илмий педагогика кутубхонаси (Д.Ғаниева),<br>Республика болалар кутубхонаси (Д.Ўролов) |

**Bosh muharrir:**
Mahmudov Sarvar Yuldashevich

**Bosh muharrir o‘rinbosari v.v.b:**
Umaraliyeva Muhayyo Abdugaparovna

**Mas’ul kotib:**
Tashxanov Nurbek Aybekovich

**Badiiy muharrir:**
Mamasoliyev Akbarali Hamzayevich

**Tahrir hay’ati:**
Ulug‘bek INOYATOV, Sobitxon TURG‘UNOV, Dilshod KENJAYEV, Risboy JO‘RAYEV, Hikmatilla RASHIDOV, G‘ayrat SHOUMAROV, Ma’rufjon VAXOBOV, Qudratjon INOQOV, Sharifjon ERGASHEV, Fayzulla AHMEDOV, Shavkat SHARIPOV, Maqsudjon YULDASHEV, Islom ZOKIROV, Alisher ZOKIROV, Hikmatilla DAMINOV

Tahririyat manzili: 100159. Toshkent shahri, Mustaqillik maydoni, 5-uy.
E-mail: xalq_talimi@xtv.uz Tel.: (0 371) 239-27-14, Faks: 239-27-11

Jurnal O‘zMAA tomonidan 2015-yil 3-iyunda ro‘yxatga olinib, 0852-raqamli guvohnoma berilgan.

Buyruq va ularning ilovalari to‘liq, o‘zgartirishsiz chop etilmoqda. Jurnal tahririyatning kompyuter bo‘limida terilib, sahifalandi.

“Maktub print” MCHJ va “Adad plyus” MCHJ bosmaxonalarida hamkorlikda chop etildi.
Toshkent shahri, Shayhontoxur tumani, Navoiy ko‘chasi, 30-uy

Bosishga ruxsat etildi: 19.10.2017-y. Qog‘oz bichimi 84x108 1/32.
Ofset bosma usuli. Shartli b.t. 7,0. Adadi 18 853 nusxa.
-buyurtma.
Bahosi kelishilgan narxda.
Ushbu songa mas’ul – Barnoyeva Muzayam Davron qizi

© “Xalq ta’limi axborotnomasi”, 2017.